Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

8 октябрь 1971 йил, жума ◆ № 233 (15.103). ◆ Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ШАРАФИГА

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ РАПОРТ БЕРДИ

Юқори Чирчиқ райони пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга кенг тадбиқ эта бориб, катта муваффақиятларга эришдилар. 7 сентябрь куни район пахтакорлари Тошкент областида биринчи бўлиб маррага етдилар. Тайёрлов пунктларига қўшимча планда кўзда тутилган 22 минг тонна ўрнига 22 минг 600 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 29 центнердан хирмон кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 74 проценти машиналарда териб олинди. Пахтанинг асосий қисми юқори сортларга топширилди.

Районнинг бу зафарига «Политотдел», «Ўзбекистон», «Ленинский путь» колхозлари ва бошқа хўжаликлар катта ҳисса қўшди. Зафар қучган Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари ялпи ҳосилни 25 минг тоннага, гектар ҳисобига ҳосилдорликни 33 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, районда каноп тайёрлаш йиллик плани ҳам муддатидан олдин — 117 процент бажарилди. Пландаги 108 минг тонна ўрнига 128 минг тонна каноп ўриб-йиғиб олинди.

Район деҳқонлари пахта ва каноп топширишни қизғин давом эттирмоқдалар.

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

КОСОН, («Совет Узбекистони» штатсиз мухбиридан телефон орқали олинди). Ленин номли совхозни районнинг машъал хўжалиги деб аташади. Ленинчилар 2500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта хирмони кўтариб, биринчи бўлиб маррага етдилар. Давлатга 5000 тонна «оқ олтин» топширишди. Ҳосилнинг тенг ярми машиналарда терилди. Ўртоқ Раҳимов бошчилик қилаётган бўлим ҳозирдаёқ ҳосилдорликни 30 центнерга етказди.

Б. Қурбонов, Ш. Эшниёзов, Р. Имомова каби механик-ҳайдовчилар машиналар бункеридан 200-250 тоннадан дурдона тўкиб, ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлдилар. Совхоз пахтакорлари она-Ватанга яна 3 минг тонна пахта етказиб бериш ҳақида янги мажбурият олдилар.

А. НОРМУРОДОВ.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

АНДИЖОН, 7 октябрь. (ЎзТАГ). Андижон областининг бир группа партия ва совет ходимларига ҳукумат мукофотлари топширилди. Улар саккизинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун шу мукофотларга сазовор бўлган эдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов орден ва медалларни топширгач, мукофотланганларни қутлади ва уларга сиҳат-саломатлик, меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).



Тошкент. 7 октябрь 1971 йил. Узбекистонда қозоқ адабиёти ва санъати декадасининг ёпилиши. Минбарда Қозоғистон КП Марказий Комитетининг секретари С. М. Имашев. И. Душкин ва Р. Шамсутдинов фотоси.

ЭҲЕ — ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ДЕКАДАСИ

ДЎСТЛИКДАН ИЛҲОМ ОЛГАН ҚЎШИҚ

Кеча Тошкентда қозоқ адабиёти ва санъати декадаси тантанали ёпилди. Бу—икки қардош, жондош халқнинг катта дўстлик байрамига айланди

Ўзбеклар диёрида дўстлик тортиқ қилган гўзал байрам ўн кун давом этди. Қозоқ сўзи ва қўшиғи республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ардоқли меҳмон бўлди. Қозоғистон вакиллари ўз санъатларини дўстларига армуғон қилдилар. Уларнинг ижодида меҳнатсевар ва талантли қардош қозоқ халқининг ажойиб фазилатлари тўла-тукис намоён бўлди.

Театрларда ва дала шийпонларида, концерт залларида ва ишчи клубларида ижодий союзларда ва завод цехларидаги қўлбола эстрадаларда унутилмас учрашувлар бўлиб ўтди. Миллион-миллион кишилар бу учрашувлардан завқшавқ олдилар. Дўстлик ва меҳмондўстликдан илҳом олган қозоқ қўшиғи янада жарангдор янгради.

Нихоят якунловчи учрашув куни етиб келди. Санъат саройи ёнида СССР ва иттифоқдош республикаларнинг давлат байроқлари кўтарилди. Қозоғистон адабиёти ва санъати декадасининг эмблемаси сарой биносини безади. Дўстларнинг сўзи ва қўшиғини яна бир бор тинглаш, ўзларининг эзгу туйғуларини юксак санъат учун миннатдорчилик ва меҳр-муҳаббат ҳисларини изҳор этмоқ учун минг-минглаб тошкентликлар ва теварак атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси 7 октябрь куни шу ерга келди.

Саҳнанинг тўрига Совет давлатининг асосчиси, халқлар дўстлигининг ижодкори Владимир Ильич Ленининнинг портрети ўрнатилган. СССР, Қозоғистон ССР ва Ўзбекистон ССР давлат герблари миллий нақшлар билан безатилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига қандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, С. Р. Расулов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Билолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц, Қозоғистон ва Ўзбекистон ижодий ташкилотлари ва союзларининг раҳбарлари, таниқли адабиёт ва санъат арбоблари президиумга чиқиб ўтирадилар.

Кечани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов очди.

— Бугун биз қардош Қозоғистон вакилларининг Ўзбекистон меҳнаткашлари билан бўлган қувончли, завқли дўстона учрашувларига якун ясамоқдамиз, — деди ўртоқ Салимов. — Қозоқ адабиёти ва санъатининг Ўзбекистон ССРдаги декадаси республикаларимизнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида катта воқеа бўлди, Қозоқ ва ўзбек халқларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги ва қардошлигини кўрсатувчи унутилмас намойишга айланди.

Декада даврида унинг қатнашчилари республикамизнинг ҳамма областларига бориб, Ўзбекистон ишчилари, колхозчилар, зиёлилари билан, ёшлари билан, Совет Армиясининг жангчилари билан учрашдилар. 100 га яқин ижодий учрашув бўлди. 80 та концерт берилди. Декада кунларида республика меҳнаткашлари қозоқ ёзувчилари, композиторлари, рассомлари театр ва кино санъати арбобларининг ажойиб асарлари билан таништирдилар.

Декаданинг ҳамма тадбирларида юз минглаб кишилар ҳозир бўлди. Декада радио ва телевидение орқали олиб эшиттирилди ва кўрсатилди. Матбуотда ёритиб борилди. Шу туфайли Ўзбекистондаги кўп миллионлаб кишиларгина эмас, шу билан бирга унинг ташқарисидаги, Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларидаги кўпгина кишилар ҳам қардош қозоқ халқининг маданияти билан таниш-ди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу унутилмас ўн кун мобайнида бутун Ўзбекистон улкан бир саҳна бўлдики, қозоқ ёзувчиларининг доно сўзи, ўйноқи қозоқ қўшиғи шу саҳнада тинимсиз янграб турди.

Декада даврида республикамизга келган Қозоғистоннинг ҳамма ижодий коллективлари томошабинларга ғоят ёқиб қолди. Қозоқ санъатининг таниқли арбоблари — Роза Жаманова, Ермек Серкебоев, Бибигул Тўлегенова, Роза Баглановa ва қардош Қозоғистон санъатининг бошқа кўпгина намояндалари ижро этган санъат намуналари доимо зўр муваффақият билан кутиб олинди ва бизга жуда манзур бўлди.

Ўз буюк маданиятининг энг яхши, талантли намояндаларини бизга юборганликлари учун Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетига, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, Қозоғистоннинг бутун баҳодир халқига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Қозоғистон билан Ўзбекистон ерлари ёнма-ён жойлашган. Осмонимиз туташган ва бир қуёшнинг нуридан баҳраманд бўламиз. Биз қудратли ва буюк Ватанимизнинг ҳамма халқлари билан биргаликда ягона сафда туриб, тарихнинг қийин йўлларидан олға бормоқдамиз, зотан халқларимизни бир-биридан ажратадиган, дўстлигимизга путур етказадиган куч дунёда йўқ.

Коммунистик партия раҳбарлигида бу дўстлик инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм қурилишида янгидан-янги ғалабаларга эришишимизнинг илҳомбахш манбаи, зарур шарти бўлиб бундан буён ҳам хизмат қилаверади.

Декада кунларида биз қардош қозоқ халқи иқтисодий ва социал ривожланишда накадар буюк муваффақиятларга эришганлигини, Совет Қозоғистонининг социалистик маданияти нақадар бой, сержило ва беқиёс эканлигини, унинг маданияти марксизм-ленинизмнинг ҳаётбахш ғоялари билан суғорилган бўлиб, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйнаётганлигини кўрдик. Қозоғистоннинг шаклан миллий мазмуни социалистик адабиёти ва санъати барча совет халқларининг бирлигида сарфланётган куч-ғайратлари билан барпо этилаётган бебаҳо маънавий бойликлар ҳазинасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Декада қатнашчилари Ўзбекистон меҳнаткашларининг иши ва ҳаёти билан яқинроқ танишиш, улар КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун нақадар зўр илҳом билан курашаётганликларини кўриш, бу йил Ватанга камида 4 миллион 400 минг тонна пахта топириш учун нақадар зўр завқ-шавқ билан курашаётганликларини кўриш имкониятига эга бўлдиларки, биз бундан ғоят ҳурсандмиз. Пахта йиғимтерими тез суръатлар билан бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ давлатга қариб 2 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» топширилди.

Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлигида, барча совет халқларининг ва аввало буюк рус халқининг қардошларча ёрдами туфайли Қозоғистон билан Ўзбекистон қўлга киритган улкан муваффақиятлар совет ижтимоий ва давлат тузуми буюк ҳаётий кучининг, КПСС ленинча миллий сиёсатининг сафарбар қилувчилик ва илҳомлантирувчи кучининг яққол далили бўлди.

Азиз оға-иниларимиз ва опа-сингиллар, биз сизлардан Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари номидан қардош Қозоғистоннинг шонли ишчилар синфига, меҳнатсевар колхозчи деҳқонларига, ажойиб зиёлиларига қизғин, самимий салом айтишингизни ҳамда республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, партиямиз XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда — коммунизмнинг юксак идеаллари тантанаси йўлида янги, янада катта муваффақиятлар тилаб билдирган энг самимий истакларимизни етказишингизни сўраймиз.

Сўз Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашевга берилади.

Азиз ўртоқлар! Азиз ўзбек дўстлар!

Ана шу катта маданият байрамини ўтказганликлари учун, декаданинг ҳамма қатнашчиларига зўр ғамхўрлик ва эътибор кўрсатганликлари учун, қозоқ совет адабиёти ва санъати ютуқларига катта баҳо берганликлари учун, Қозоғистон ижодий коллективларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотлаганликлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўрток Шароф Рашидович Рашидовга қозоқ адабиёти ва санъати декадасининг ҳамма қатнашчилари номидан, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Биз бечиҳоя зўр меҳмондўстлик учун хушчақчак учрашувлар учун, қучоқ-қучоқ гуллар учун, қалб ҳарорати ва табассум учун, катта меҳнат учун область, шаҳар, район партия комитетларига, совет органларига, корхоналар ва колхозлар коллективларига, маданият муассасаларига, ижодий союзларга, матбуот, радио ва телевидение ходимларига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қиламиз. Азиз ўртоқлар, сизларга астойдил, қардошларча раҳмат айтмоқчимиз!

Қозоқ адабиёти ва санъатининг бугун тугалланаётган декадаси Қозоғистон маданият арбобларининг КПСС XXIV съезди йилида, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг эллик йиллиги байрами арафасида ўзбек қардошларимиз ҳузуридаги ижодий ҳисоботи бўлди. Декада халкларимиз бузилмас дўстлиги ва қардошлигининг, КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг янги тўлқинлантирувчи далили бўлди.

Тошкентдан Термизгача, Фарғонадан Нукусгача қурилиш майдонлари ва пахтазорлар узра қозоқ куйлари ва қўшиқлари янграб турди. Бу қўшиқ ва куйлар Ватанимизни, халқлар дўстлигини, совет кишиларининг меҳнатини, жонажон Коммунистик партиямизнинг доно сиёсатини шарафлади.

Қозоқ совет поэзиясининг буюк намояндаси Жамбулнинг халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини тараннум этган ажойиб сатрларини декада кунлари биз қайта-қайта такрорладик.

Икки қардош халқ, қўшни халқ бир-бири билан учрашди. Бу учрашув Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг дўстлиги байроғи остида ўтди, чунки ҳамма республикаларимиз меҳнаткашларининг ишлари, тақдирлари, манфаатлари ва ҳис-туйғулари ҳамоҳангдир.

Биз ҳамма жойда ўзбек ишчилар синфи ва деҳқонларининг, меҳнаткаш зиёлиларининг қаҳрамонона ишларини КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини, XXIV съезднинг тўққизинчи беш йилликка доир Директиваларини амалга ошириш йўлида партия ташкилотлари олиб бораётган улкан бунёдкорлик ишини, қардош Ўзбекистон барча меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва меҳнат жўшқинлигини кўрдик.

Меҳнаткашлар билан, ижодий илҳомга тўлиб-тошган, ғоят меҳнатсевар, қалби дарё кишилар билан бўлган учрашувлар бизда унутилмас таассурот қолдирди. Бу кишиларнинг забардст кўллари мўъжизалар яратмоқда: боғ-бўстонлар барпо этмоқда, дашту биёбонларни ўзлаштирмоқда, пўлат эритмоқда, шойи тўқимоқда ва тоғ-тоғ «оқ олтин» бунёд этмоқда. Декадага бағишланган учрашувлар ва кечалар халқлар дўстлигининг чинакам байрамига айланиб кетди.

Биз Регистон ва Гўри Амирнинг замонлар синовига бардош берган кўзни қамаштирувчи нақшларини яратган халқ усталарининг ўлмас ижодларига қойил бўлдик. Айни вақтда биз бу ерда ана шу обидаларни сақлаш соҳасида олиб борилаётган катта ишлардан, бу ишни партиямизнинг миллий маданиятга ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш намунаси деб билаётганликларидан астойдил хурсанд бўлдик.

Узбекистон ўтган урушларнинг, фотихлар, боскинларнинг, хонлар ва амирлар зулмининг изларини асрлар бўйи сақлаб келиш билан бирга истеъдодли меъморлар, уста ўймакорлар ва рассомлар ижодининг ноёб колдиқларини, Бухоро минораларини, Афросиёб тепалигини ва Улуғбек расадхонасини ҳам ардоқлаб сақлаб келди. Олмоснинг ҳар бир қирраси кўзни қамаштириб товланганидек, тенг ҳуқуқли қардош республикалардан бири бўлган Совет Ўзбекистони ҳам ҳозир ўзининг кўп тармоқли экономикаси ва кўп жанрли маданияти билан ҳаммани қойил колдирмоқда.

Совет Ўзбекистони Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати раҳбарлигида ўз экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришган катта-катта муваффақиятларга бутун совет халқи қатори Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам қувонмоқдалар. Кейинги йилларда қардош Ўзбекистонда кора ва рангли металлургия, замонавий машинасозлик, катта химия, кон-руда, кўмир, газ, олтин чиқариш, электр техника саноати, қурилиш индустрияси янада ривож топди.

Гидротехника қурилишининг улкан кўламлари бизда катта таассурот колдирди. Ақл бовар қилмайдиган даражада қисқа муддатда қурилган Катта Фарғона канали Улуғ Октябрь туфайли уйғонган ўзбек халқи маънавий кучи ва мардлигининг абадий ёдгорлиги бўлиб турибди. Қозоғистон вакиллари Тахиатош гидроузели қурилишида, Қарши канали қурилишида бўлдилар, пахтазорларга оби-ҳаёт бераётган ва одамлар қўли билан бунёд этилган кўпгина дарёларни кўрдик, шунда биз Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Туркистонда ирригацияни ривожлантиришга бевосита ёрдам берган Владимир Ильич Ленининнинг донишмандлигига яна бир бор таҳсин айтдик.

Маданиятимизнинг шодиёна байрами Қозоғистон ғаллакорлари билан Ўзбекистон пахтакорларининг меҳнатдаги зўр жўшқинлигига уйғун бўлиб тушди. Ҳозиргача Қозоғистон совхозлари ва колхозлари жонажон давлатимизга 720 миллион пуддан ортиқ ғалла топшириб, тўққизинчи беш йиллик биринчи йили планини анча ошириб бажардилар. Ўзбекистонда эса «оқ олтин» терими муваффақиятли равишда бормоқда. Қозоқ адабиёти ва санъати арбоблари, декада қатнашчилари қардош Ўзбекистон пахтакорлари хирмонига чин кўнгилдан барака тилайдилар.

Совет халқларининг ягона оиласида, КПСС Марказий Комитетининг доимий ғамхўрлиги, улуғ рус халқининг ва мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг саҳий, беғараз ёрдами туфайли Қозоғистон тарихан қисқа муддат ичида қудратли замонавий индустрия, сермаҳсул қишлоқ хўжалигига, илғор маданиятга эга бўлган республика бўлиб қолди. Қозоғистон саноат маҳсулотининг ҳажми ва ялпи дон ҳосили жиҳатидан мамлакатдаги олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Фан ва маданиятни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бундай деган эди: «Совет кишилари мустаҳкам бирлик, бир-бирига ёрдам бериш, Коммунистик партия раҳбарлигида буюк мақсад — коммунизм сари биргаликда олға боришга тайёр бўлиб туриш туфайли кучли эканликларини ўз ақлари ва қалблари билан идрок қиладилар».

Биз Қозоғистон маданият арбоблари улуғ Ватанимиз халқларининг муқаддас бузилмас дўстлигини бундан буён ҳам кўз қорачиғидек асраймиз.

Азиз ўртоқлар, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш йўлидаги курашда сизларга ва сизлар орқали бутун меҳнатсевар, талантли ўзбек халқига, қардош Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига янги катта муваффақиятлар тилашга, битмас-туганмас қувонч ва бахт-саодат, ижодий илҳом тилашга ижозат бергайсиз. Жонажон қўшнимиз — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси эзгу мақсад сари ғалабадан-ғалабага бораверсин.

Ясасин жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети!

СССР халқ артисти композитор Мухтор Ашрафий ўз нутқида қозоқ музика санъатининг равнақи тўғрисида гапирди. Бу санъат совет тузуми шароитларидагина равнақ топди.

Қозоқ халқи социалистик музика, маданиятининг манбаларида композитор ва олим Аҳмад Жубанов, қозоқ булбули Кулаш Бойсеитова, рус музика санъатининг ажойиб вакили Евгений Бурисловский, композитор Муқон Тулебаев, тўнғич қозоқ опера қўшиқчилари Канабек Бойсеитов ва Қурманбек Жондорбековлар турган эди.

(Давоми иккинчи бетда).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш йиллик қўшимча планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар:

Юқори Чирчиқ райони — (район партия комитетининг секретари И. Ладушкин, район ижроия комитетининг раиси Э. Икромов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи С. Тайметов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси И. Каримов, район сув хўжалик бошқармасининг бошлиғи Р. Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари И. Ихматов ўртоқлар).

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борими тўғрисида 1971 йил 7 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан
Сирдарё	3,06	87,61	3,85	104,37
Тошкент	2,45	80,43	2,31	79,01
Андижон	2,32	76,33	2,93	57,73
Қашқадарё	1,47	74,83	1,21	47,95
Сурхондарё	1,66	73,91	1,60	68,34
Наманган	2,63	71,83	3,69	65,15
Бухоро	2,14	67,06	3,23	71,64
Самарқанд	2,55	63,50	3,35	63,22
Фарғона	2,31	59,91	2,82	43,98
Хоразм	3,07	50,44	2,51	26,92
ҚҚ АССР	3,21	46,40	3,34	31,90
Республика бўйича:	2,45	68,61	2,87	63,34

Шу жумладан ингичка толали пахта:

Сурхондарё	бир кунда	1,74	мавсум бошидан	63,07
Қашқадарё	бир кунда	2,69	мавсум бошидан	50,80
Бухоро	бир кунда	2,37	мавсум бошидан	50,71
Республика бўйича:	бир кунда	2,48	мавсум бошидан	67,09

ХАЛҚАРО МУЗИКА КЕНГАШИ VII КОНГРЕССИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати халқаро музика кенгаши VII конгрессининг қатнашчиларини ва меҳмонларини табриклайди.

Музика — одамларни бир-бирларига яқинлаштирадиган санъатдир. Замоннинг илғор ғояларини ўзида акс эттиришга қодир музика барча миллат ва қитъаларнинг кишиларини бир-бирларига яқинлаштиради, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Халқаро музика кенгаши ЮНЕСКОнинг инсонпарварлик мақсадларига мос бўлиб тушувчи айни мана шу вазифасини ҳал этишга даъват этилган.

Конгресс мавзуининг аҳамияти беқиёсдир. Маданиятни янада ривожлантириш проблемаси—шу кунларимиздаги жуда муҳим проблемалардан биридир. Дунёда рўй бераётган катта социал ўзгаришлар, Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг мустамлака қарамлигидан озод бўлиши санъатни барча чоралар билан демократлаштириш учун, ижтимоий ҳаётга санъатнинг таъсирини кучайтириш учун, шу соҳадаги ютуқларни кенг кўламда баҳам кўриш учун курашни айниқса актуал қилиб қўяди.

Халқаро музика кенгашининг VII конгресси санъат прогрессив арбобларини жипслаштиришга шубҳасиз ёрдам бериб, халқлар ўртасида маданий алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда яна бир қадам бўлади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистоннинг энг кекса раҳбар ходимларидан бири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, республика коммунал хўжалиги министри Сирож ЗИЕМОВ узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1971 йил 7 октябрда, 61 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ЖАЗОИР, 6 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Жазоир Халқ Демократик Республикаси Революцион кенгашининг Раиси, Министрлар Советининг Раиси Хуари Бумиддин кеча кечқурун Халқ саройида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда А. Н. Косигинга ҳамроҳ бўлиб келган расмий кишилар, шунингдек, СССРнинг Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги элчиси С. С. Ғрузинов у билан бирга бўлдилар.

Жазоир томонидан Революцион кенгаш аъзолари, министрлар, Миллий халқ армиясининг олий командирлар состави, жамоат арбоблари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Жазоир Халқ Демократик Республикасидаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Х. Бумиддин нутқ сўзлади.

Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигининг Жазоирга қилган визити, деди у, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва улар ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун юксак даражада бевосита музокараларнинг яна бошлаб юборишига янги ажойиб имконият яратади.

Бизга мустамлака давридан оғир мерос қолди, деб давом қилди нотиқ, шунинг учун ҳам биз ҳар томонламе ва чинакам тараққиёт сиёсатининг муваффақият қозониши учун ҳамма воситаларимизни сафарбар этдикки, бу сафарбарлик экономиканинг ўзи билангина чекланиб қолмай, яратиш ва ижод қилишнинг ҳамма соҳаларига ҳам тааллуқлидир, инсон шахси ва унинг бахт-саодатини камолотга етказишга биринчи галда эътибор беради. Жазоирда амалга оширилаётган тўрт йиллик план, деди Х. Бумиддин, саноат, аграр ва маданий революциядан иборат ич асосий мақсаднинг бир маҳалда амалга оширилишига қаратилган. Шу учала вазифанинг ўзаро таъсири ва бири-бирини тўлдириши Жазоирга мерос бўлиб қолган мустамлака структурасини тубдан қайта қуришга, мамлакат ўзининг ҳақиқий қиёфасига тўла эга бўлишига олиб бормоғи лозим.

Ички сиёсат соҳасида, деб таъкидлади Х. Бумиддин, социализмни мақсад қилиб олган ва шу социализм учун меҳнат қилаётган Жазоир тез, ялпи ва тўла уйғун тараққиётга эришмоғи учун ҳамма шароитлар яратилмоқда.

Жазоирнинг ташқи сиёсати халқаро муносабатларнинг тинч ривожланиши ҳамда мазлум халқларнинг озод бўлишини таъминлаб, ер курраси ва аниқ иқтисодий, социал ва маданий соҳалардаги номутаносибликка барҳам бермоқ, бинобарин, барча халқлар иззат-нафсини ҳурмат қилиш ва уларнинг тенг ҳуқуқлигига гарантия бериш асосида ер юзида қардошлик ва уйғунликни амалга оширмоқ учун ҳамма асосий ва ҳаётий ҳаракатлар сарфлашни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мустамлакачилик, ирқчилик империалистик экспансия, шармандали эксплуатация ва инсониятнинг бошқа иллатлари бир қанча учинчи дунё мамлакатларида чекина бошлаган бўлса-да, бу иллатлар шу мамлакатларнинг баъзиларида ҳамон бор бўлиб, чуқур илдиз отиб, қурбонлар келтираётганлигидан ташқари, ҳатто тарқалишга ҳам уринмоқда.

Араб Шарқида, деди Бумиддин, — тўрт йилдан бери масалани тинч йўл билан бартараф этиш йўлларини излаш агрессия хавфини кучайтиришга олиб келганлигини кўриб турибмиз. Сионистик давлат босиб олинган ерларни қўшиб олиш сиёсатини, талончилик, ирвогарлик, ўз территориясини бутун ғайр ҳисобига кенгайтириш сиёсатини ўтказишдан тўхтамаётир.

Биз можарода бевосита қатнашаётган қардош араб мамлакатларига яна айтамизки, биз уларнинг душман босиб олган территорияларни ўзлари самарали ва ўзларининг манфаатлари, хавфсизликларига мос келади деб ҳисоблайдиган воситалар ёрдамида қайтариб олишга қаратилган кучғайратларини батамом қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Вьетнам халқини ҳам шундай қатъият билан қўллаб-қувватлаймиз ва Шарқи-Жанубий Осиёдаги империалистик агрессия тўхтатилиши зарурлигининг тарафдоримиз. Биз Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг яқинда таклиф этган 7 моддадан иборат программаси можаронинг тинч йўл билан ҳал этилишини излаш ишига қўшилган ҳақиқий ижобий ҳисса деб ҳисоблаймиз. Бу таклиф энг қисқа муддат ичида барча империалистик қўшинлар олиб чиқиб кетилганидан сўнг Вьетнам, Камбоджа ва Лаос халқларининг миллий суверенитетини таъминлаган бўлурди.

Қаерда миллий озодлик ҳаракати бўлса, Жазоир уни қўллаб-қувватлайверади. Биз бу ишни Африка бирлиги ташкилоти доирасида амалга оширамиз. Биз ташқи сиёсатимизда амал қилаётган қўшилмаслик принципларига мувофиқ қитъамизда ва бутун дунёда халқаро кескинликни юмшатиш сари интиламиз.

Биз шу мақсадда барча ҳарбий базалар тугатилишига, шунингдек бизнинг районда, Ўрта ер денгизи районида халқаро кескинликни сақловчи барча сабаблар йўқотилишига ҳамиша даъват этиб келдик. Ўрта ер денгизи райони, такрор-такрор айтганимиздек, тинчлик, хавфсизлик, осойишталик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик кўли бўлиб қолмоғи керак.

Шунинг учун ҳам Европанинг яқинида жойлашган Жазоир жаҳоннинг турли районларида ана шу мақсадга эришиш учун қаратилган ҳамма эришишларни, жумладан, Ғарбий Берлин хусусида тузилган битимни, шунингдек, Европа хавфсизлиги масаласига доир кенгаш чақиришга қаратилган куч-ғайратларни табриклайди.

Х. Бумиддин ўз нутқининг пировардида айтдики, А. Н. Косигининг Жазоирда бўлиши Жазоир билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим босқич бўлиб, бу ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради, чегараларини кенгайтиради ва мазмунини бойитади.

А. Н. Косигин жавоб нутқи сўзлади.

Жазоир Халқ Демократик Республикасининг раҳбарлари ва аҳолиси Совет Иттифоқининг вакиллари бўлган бизларни қизғин, самимий кутиб олганликларидан ғоят мамнун бўлдик, деди у. Сизларнинг ҳаммангиздан, айниқса, Совет Иттифоқи ва халқимиз шаънига дўстона туйғулар билдирган раис Бумиддиндан астойдил миннатдормиз.

Мухтарам ўртоқ раис, сизга, мамлакатингизнинг Революцион кенгашига, Министрлар Советига ва бутун Жазоир халқига СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан, шахсан Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ўртоқлардан, бутун совет халқи номидан қизғин қардошлик саломи топширамиз.

Биз Жазоир ишчилари, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлиларига, Миллий-Озодлик фронти партиясининг ҳамма аъзоларига, Жазоир халқи озодлик урушининг шонли ветеранларига, мамлакатингиздаги Совет Иттифоқининг ҳамма дўстларига қизғин салом топширамиз ва янги турмуш қуришда муваффақиятлар тилаймиз.

Халқларимизнинг дўстлиги, деди сўзини давом эттириб СССР Министрлар Советининг Раиси, жазоирликларнинг мустамлакачиликка қарши, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураши йилларида таркиб топди. Жазоир халқи революция ғалабаларига таяниб, янги қаёт қура бошлаганида ҳам бу дўстлик мустаҳкамлана берди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар аввал бошданоқ тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни, территориал бутунликни ва мустақиллиқни ўзаро ҳурмат қилиш, бирбиринг ички ишларига аралашмаслик принциплари негизида таркиб топа бошлади. Булар—Совет давлати ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери, яъни Улуғ Октябрь биринчи социалистик давлат сифатида дунёга келганлигини эълон қилганидан буён халқаро муносабатларда муттасил амал қилиб келаётган жуда муҳим ва ўзгармас принциплардир. Лекин Совет — Жазоир муносабатларининг характери ана шу принципларнинг амал қилиши билангина белгиланмайди. Давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг нормал муносабатларгина бўлиб қолмай, шу билан бирга яқин ҳамкорлик, ўзаро ишонч асосидаги муносабатлар ҳам бўлиши учун уларнинг манфаатларида муайян бирлик ҳам бўлиши зарур. Биз икки ўртада ана шундай бирлик бор деб айтишга ҳақлимиз дея оламиз. Бундай бирлик антиимпериалистик курашда, миллий ва социал озодлик учун, халқаро хавфсизлик учун, ҳар бир халқнинг ўз тақдирининг ҳўжайини бўлишдан иборат ажралмас ҳуқуқини қарор топтириш учун курашда Совет Иттифоқи билан Жазоирнинг манфаатлари бир-бирига мос келишида намоён бўлмоқда. Халқларимиз дўстлигини, ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаётган ҳамда ана шу дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб бераётган ҳол ҳам ана шу.

Менинг назаримда, деди А. Н. Косигин, ана шуларнинг ҳаммаси ҳар иккала томоннинг ўз иқтисодий имкониятларини иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида уйғунлаштириш истаги билан бирга турли соҳалардаги дўстона муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз учун қулай шарт-шароитларни таъминлаб беради. Ана шу муҳим масалаларни биз раис Бумиддин билан ва Жазоирнинг бошқа раҳбар арбоблари билан бошланган музокаралар давомида муҳокама қилдик.

Совет — Жазоир муносабатларида ҳамкорлигимизни ривожлантириш йўлига тўсиқ бўла оладиган сиёсий проблемалар йўқ. Лекин Совет Иттифоқи ҳам, шунингдек, афтидан, Жазоир ҳам ўзларининг икки томонлама алоқалари, бошқа давлатлар билан муносабатлари ва ҳамкорликлари қулай халқаро вазият шароитида ривожланиб боришидан ғоят манфаатдордирлар.

Совет Иттифоқининг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўллари тўғрисида шу йил март ойида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида баён этилган таклифлари энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга қаратилган. Бу таклифлар — тинчтотув яшаш принципларининг тантанаси учун кураш программасидир, халқлар дўстлиги, уларнинг эркин, мустақил ривожланиши программасидир, агрессорларни жиловлаб қўйиш ва жаҳон урушининг олдини олиш программасидир. Тинчлик программасини амалга ошириш учун кураш ҳозирги вақтда Совет давлати халқаро фаолиятининг энг асосий соҳаларидан биридир. Бизнинг куч-ғайратларимиз дунёдаги кескинликни юмшатишда бурилиш бўлишини таъминлашга, ҳамма халқларнинг уруш хавф-хатаридан холи бўлиб, эркин ва мустақил ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Биз тинчлик программамизнинг реал программа эканлигига аминмиз, деди А. Н. Косигин.

Халқаро кескинликни юмшатиш сари туб бурилишга эришмоқ учун, деб таъкидлади нотиқ, Ҳинди-Хитойдаги Америка агрессияси ва Яқин Шарқдаги Исроил агрессияси манбаларини тугатиш зарур. Қаҳрамон Вьетнамнинг, Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларнинг халқлари, араб мамлакатларининг халқлари ўзларининг мардона кураши билан, озодлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт ишига садоқати ва матонати билан империалистларнинг ва янги мустамлакачиларнинг измига ҳеч қачон бўйсунмасликларини исбот қилдилар. Уларнинг қуролли курашини, шунингдек, ана шу районлардаги можароларни тинч бартараф этишга доир адолатли таклифларни бутун тараққийпарвар инсоният қўллаб-қувватламоқда. Биз улар берган қурбонлар ва сарфлаётган куч-ғайратлар албатта ғалабага олиб боришига қаттиқ ишонамиз.

Яқин Шарқда Исроил агрессиясига қарши курашнинг асосий оғирлиги Миср Араб Республикасига тушиб турибди. Ўз қуролли кучларини мустаҳкамлаб олишда, бу қуролли кучларни агрессиягa қарши курашувчи даҳшатли воситага айлантиришда Совет Иттифоқи Миср Араб Республикасига ёрдам бермоқ учун кейинги йилларда имкони бўлган ҳамма ишларни қилди.

Оғир синов дамларида дўстларнинг мадади нақадар зўр аҳамиятга эга бўлишини биз ўз тажрибамиздан биламиз, Миср, Сурия ватанпарварларини, Фаластин қаршилик ҳаракати жангчиларини жазоирликларнинг мустамлакачиликка қарши олиб борган қаҳрамонона кураши руҳлантирмоқда. Бу курашда Жазоир халқи юксак маънавий фазилатларини, жасорати ва матонатини, энг мураккаб пайтларда ҳам кураш ва ғалабага бўлган иродани бўшаштирмаслик қобилиятини, фидокорлиги ва оташин ватанпарварлигини кўрсатди. Жазоир халқининг озодлик жангномаси бутун Африка қитъаси учун катта революционлаштирувчи аҳамиятга эга бўлди.

Араб халқларининг душманлари бу халқларнинг бирлигидан, уларнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигидан жуда қўрқадилар. Империалистлар, уларнинг Исроилдаги агентлари араб мамлакатлари ва уларнинг халқлари орасига нифоқ солиш учун, уларнинг социализм мамлакатлари билан дўстлиги ва ҳамкорлигига путур етказиш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Башарти улар бирон бир соҳада гарчи вақтинча ўз мақсадларига эришишга муваффақ бўлаётган бўлсалар ҳам, улар буни ўзларининг катта ғалабаси деб ҳисоблашмоқдалар. Улар зўр бериб, антикоммунизмни авж олдирмоқдалар. Бу йўл ҳамиша ва ҳар жойда мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги ҳаракатни заифлаштириб келган.

Империалистик мақсадлар йўлида ҳар қандай жирканч воситалардан ҳам фойдаланса бўлаверади, деган принцип асосида ҳаракат қилаётган кимсалар, совет — араб дўстлигининг душманлари, араб мамлакатларида совет ташқи сиёсатига ишончсизлик тўғдиришга зўр бериб уринмоқдалар, қандайдир «Совет экспансионизми» тўғрисидаги уйдирмаларни тарқатмоқдалар. Бундан кузатилган мақсад, афтидан, шундан иборатки, мустамлака ўтмиши оқибатида арабларнинг ҳали ҳам бир ҳаётлар ҳукмронлик қилиб келган давлатларга мутлақо ишонмай қўйганлар. Эндиликда душманларимиз ана шу ишончсизликни Совет Иттифоқига нисбатан ҳам ёйишга уринди, Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги ташқи сиёсатини бизнинг мақсадларимизга мутлақо ёт мақсадларни кўзлайдиган бир нарса қилиб кўрсатиш йўлида ҳар хил туҳматларни ишга солмоқдалар. Бошқа ҳар қандай давлат сингари Совет давлатининг ҳам ташқи сиёсати ўз ички сиёсатининг давомидир. Ташқи ва ички сиёсатнинг синфий моҳияти билан мақсадлари бир-бирига зид бўлиши мумкин эмас. Кўп миллатли Совет Иттифоқи — Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакати, инсоният тарихида биринчи марта миллий масала ҳал этилган, миллатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тенглигининг эмас, шу билан бирга, илгари қолоқ бўлиб келган халқларнинг экономикаси ва маданиятини анча тез ривожлантириш йўли билан уларнинг ҳақиқий тенглиги таъминланган мамлакат, ана шундай бир мамлакат бошқа мамлакатларнинг халқлари билан муносабатда ўзининг ички сиёсатига зид бўлган сиёсатни ўтказа оладими, ахир? Йўқ, асло бундай қила олмайди. Бундай қилиш ўзимизнинг сиёсий принципларимизга, буюк устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Ленининг васиятларига жуда хиёнат бўлур эди. Партиямиз билан давлатимизнинг асосчиси сиёсат кишиларини ҳамма халқларга ҳурмат билан қарашга, уларнинг ишончини, айниқса, миллий зулм азобларини чеккан халқларнинг ишончини юксак даражада қадрлашга ҳамда шу халқларга биз империалистлар эмасмиз, биз империалистлар томонига ўтганларга тоқат қила олмаймиз, деган гапни исботлашга ўргатган эди.

Бу — жаҳоншумул масала, ҳеч муболағасиз жаҳоншумул масала.

Бу масалада беиҳтиёр қатъиятли бўлмоқ лозим, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Бу сўзларда йўлбошчимизнинг ғоят чуқур интернационализм туйғуси ифодаланган.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг ленинча принципларига мутассил содиқ бўлиб келмоқда, партиямиз келгусида ҳам шу принципларга қатъият билат амал қилаверади, чунки ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг авангарди бўлган сиёсий партия уларнинг манфаатларини ифодалайди, ўз синфининг ақл-идроки, шон-шарафи, ор-номуси бўлади, — бундай партия ташқи сиёсатда ўзининг ички сиёсатида амал қилиб келаётган асосий принципларидан чекинишни ўзига эп кўрмайди.

Буни бизгина эмас, душманларимиз ҳам яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар Совет Иттифоқига, бизнинг Коммунистик партиямизга қутуриб туҳмат қиладилар, халқларнинг миллий ва социал зулмдан озод бўлишига халқиқат беришни истаганликлари учун ҳам туҳмат қиладилар. Бутун инсониятнинг тараққийпарвар кучлари эса халқларни миллий ва социал зулмдан озод қилиш учун кураш олиб бормоқдалар.

Араб халқлари ўзларининг дўстлари ким-у, душманлари ким эканлигининг фарқига етишни ўрганиб олганлар, улар араблар шарқидаги прогрессив ривожланишга тўсқинлик қилмоқчи бўлган кимсаларнинг ниятларини пайқаб олишни ўрганганлар.

Совет халқи империализмга қарши курашда ва Жазоирда янги турмуш қурилишида Жазоир халқи билан бирдамдир. Сизларнинг миллий экономика, фан ва маданият соҳасидаги, халқ хўжалигининг давлат ва ўзини-ўзи бошқариш секторларини ривожлантиришдаги режаларингизни экономикага жорий этиш ишидаги муваффақиятларингизни совет кишилари табриклайдилар. Жазоир халқининг меҳнати билан янги-янги саноат корхоналари, ўқув юртлари барпо этилмоқда, қишлоқ хўжалиги қайта қурилмоқда. Сизлар ўтмишнинг оғир меросини покапиталистик йўлдан бориб бартараф этиш ва Жазоир меҳнаткашларининг яхши келажагини таъминлаб бериш учун прогрессив ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни амалга оширмоқдасизлар. Сизлар ана шу ва бошқа прогрессив ишларингизда совет халқи сизлар билан ҳамиша ҳамнафас бўлишига ва Совет—Жазоир дўстлиги руҳида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигига ишончингиз комил бўлаверсин.

Раис Бумиддин билан Жазоирнинг бошқа раҳбар арбоблари билан бошланган сидқидил суҳбатлар мамлакатларимиз ҳукуматларининг дунёда содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги фикрларини таққослаб кўриш, позицияларимизни аниқлаш, уларни империализмга қарши, халқаро хавфсизлик учун кураш манфаатлари йўлида мувофиқлаштириб олиб бориш имконини беради. Совет Иттифоқи билан Жазоирнинг икки томонлама алоқаларини мустаҳкамлаш ишида мамлакатларимизнинг ҳаракатларини келишиб олиш суҳбатларимизнинг яна бир муҳим мақсади эканлиги равшан. Учрашувларимиз ва музокаларимиз ўзаро холис ният муҳитида бошланганлигини биз юксак баҳолаймиз.

Хуари Бумиддан билан А. Н. Косигининг нутқлари зўр эътибор билан тингланиб, қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди. (ТАСС).

ДЎСТЛИКДАН ИЛҲОМ ОЛГАН ҚЎШИҚ

(Бошқ биринчи бетда).

Сўнгги ўн йилликларда ўсиб етишган ажойиб музикачиларнинг номлари қозоқ халқининигина эмас, шу билан бирга бутун мамлакатнинг фахри бўлиб турибди Қозоғистон ССР халқ артисти дирижёр Газиз Дуғашев, композиторлар Газиза Жубанова, Еркегали Раҳмадиев, Қуддус Қўжамёров шулар жумласиндандир. Декада кунларида Ўзбекистон меҳнаткашлари уларнинг ёрқин истеъдодларини тўкис баҳолай олдилар.

Қурмангози номидаги халқ чолғу асбоблари оркестрининг концертлари муваффақият билан ўтди. У оркестр миллий музика йўлларини сақлаб қолган ҳолида жаҳон классикаси ва ҳозирги замон музикасининг энг яхши ютуқларидан фойдалана биладиган ажойиб бадиий коллективдир. Декада кунларида «Гулдер» эстрада ансамбли, «Олмаотанинг ёш балети» хореографик ансамбли, скрипкачи болалар ансамбли, ёшликни, кўркамликни, маҳоратни намойиш этди.

СССР халқ артисти Роза Жаманова: юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деган мақол билан ўз сўзини бошлади. Биз талантли ўзбек халқининг саҳоватли қалбини, қадрдон қўшнимиз ва қардошимизни кўпдан бери билар эдик, деди у. Лекин унутилмас таассуротлар ва мароқли суҳбатлар билан ўтган ана шу кунлар ичида биз ўзбек ўртоғимиз ва қардошимиз ўзининг маънавий улуғлиги, қаҳрамонона меҳнати билан нақадар ҳушрўй эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Қардошларча меҳмондўстлигингиз учун, бизни бу ерда қалб ҳарорати билан кутиб олганлигингиз учун Қозоғистон санъат арбоблари номидан сизларга самимий миннатдорчилик изҳор қилишга ҳамда меҳнатда ва шахсий ҳаётда энг яхши тилаклар айтишга ижозат бергайсизлар.

Бизларни бузилмас қардошлик алоқалари совет халқининг ягона аҳил оиласига бирлаштириб турибди. Ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери биз сизлар билан бирга ягона мақсад — коммунизм сари бир сафда бормоқдамиз. Улуғ Ленин байроғи, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги байроғи йўлимизни ёритиб турибди.

Фарғона пахтакорлари, Чирчиқ химиклари, Бекобод металлургларини билан, қадимий, абадий навқирон Самарқанд меҳнаткашлари билан, маданият ва санъат арбоблари билан, бизга ўз қалблари ва қучоқларини очган минг-минглаб ажойиб кишилар билан бўлган учрашувлар асло эсимиздан чиқмайди.

Яна учрашгунча хайр, дўстлар!

Тошкент область Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғуломжамуд Абдуллаев Абай билан Жамбул юртидан келган қардошлар ва дўстларга оташин салом топширди. У қардош қозоқ халқининг шонли совет оиласида эришган муваффақиятлари билан республикамиз колхозчилари фахрланаётганликларини гапирди.

Қатрада қуёш акс этади, деди ўзбек деҳқони. Икки колхоз дўстлигида халқларимизнинг буюк қардошлиги акс этади. Бу колхозларнинг бири бизнинг Ўзбекистондаги Карл Маркс номли колхоз бўлса, иккинчиси Қозоғистоннинг Чимкент областидаги Энгельс номли колхозидир. Биз қадрдон дўстларимиз ҳузурига тез-тез бориб турамиз, улар ҳам бизга меҳмон бўлиб келишади, — деди Ғ. Абдуллаев. — Биз ўз тажрибамизни бақам кўрамиз, бир-биримизга ўргатамиз ва бир-биримиздан ўрганамиз.

Қўшниларимизнинг қўшиқлари бизга азалдан таниш, шунинг учун ҳам биз декада кунларида қозоқ хонандаларининг овозини ҳузур қилиб эшитдик.

Бизнинг ўлкамизга ҳамиша қадам ранжида қила берингларг Катта уйимизнинг тўри доимо сиз иззатли меҳмонларникиг

Қозоқ шоири Сирбой Мавленов минбарга чиқади.

— Ўзбекистон бўйлаб сафар қилиб, — деди у, — биз баайни Фарҳод ГЭСининг. Бекобод металлургия заводи лаққа чўғ ариқларининг, пахтазорлар мовиқ пахталарининг, Марғилон шоҳисининг, Фарғона канали оби ҳаёти ижодчилари ёзган буюк китобни, декадамизнинг йўлларида, далаю даштларда кимни учратган бўлсак — ҳаммасининг дили ва юрак қўри билан ёзилган китобни ўқигандек бўлдик.

Биз кўрганларимизнинг ҳаммасини дилимизга жо қилиб, ўзбек халқининг экономика, фан ва санъатда эришган ютуқларига қойил қолиб жўнаб кетмоқдамиз. Кўрган-билганларимиз замон талабига жавоб берадиган янги-янги асарлар яратишимизга ёрдам беради.

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, дийдор кўришгунимизча хайр! Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз фаровонлиги учун қилаётган меҳнатингизда ажойиб муваффақиятлар тилаймиз.

Сирбой Мавленов ўз нутқини ўзбек халқига бағишланган шеърини, меҳмондўстлик ва сидқидиллик учун миннатдорчилик билдирган шеърини ўқиб тугатади.

Кечанинг тантанали қисми тамом бўлди.

СССР, Қозоғистон ССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари тантанавор янгради.

* * *

...Яна парда кўтарилиб, тароналар ва қўшиқлар жаранглаб, бўёқлар жилва қилди. Қозоқ адабиёти ва санъати декадаси қатнашчиси шоир С. Мавленовнинг дўстлик тўғрисидаги шеърини Қозоғистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари Ф. Шарипова билан А. Мўлдабеков ўқишди. Республикада хизмат кўрсатган артист М. Мусабоев Ильичга бағишланган «Апрель» қўшиғини ижро этди.

Халқ музика ижоди традицияларини сақлаб, ривожлантираётган Қурмонғози номли машҳур оркестрни сал аҳли қувонч билан кутиб олди. Оркестр дилрабо қозоқ куйларини ижро этди.

Бу концертда қозоқ санъат усталари маданиятининг ўсганлиги, улар ижодининг бутун бойлиги ва хилма-хиллиги жилоланиб акс этди. СССР халқ артистлари Р. Жаманова, Б. Тўлаганова, Р. Бағланова, Р. Абдуллин, Е. Серкабаев ва бошқа ҳушовоз хонандалар орқали халқ қўшиқлари, қозоқ миллий операсининг дурдоналари, рус ва чет эл классикасининг намуналари санъат саройининг меҳмони бўлди.

«Олмаота ёш балети» ансамбли ижро этган «Кўш олқиш» ва «Жайдарман» рақслари, «Гулдер» ёшлар эстрада ансамбли саҳналаштирган чевар қизлар рақси ва Бизе-Шчедрин музикаси асосида Қозоғистон Давлат опера ва балет театрининг солисти Э. Малбеков ижро этган «Тореро» — ана шуларнинг ҳаммаси юксак хореография маданиятидан далолат беради. Турли халқларнинг қўшиқлари—русча «Теран дарё»; қозоқча «Оқ эрка», украинча «Черемшина», ўйғурча «Соғиниб келдим», корейса «Моранбон» қўшиқлари биргаликда ажойиб бир гулдастани вужудга келтирди...

... Мана энди концертнинг ҳамма қатнашчилари саҳнага чиқишади. М. Тулебоевнинг «Коммунизм чироқлари» кантатасидан олинган якунловчи хор ана шу гўзал санъат байрамининг хотимаси бўлди.

Залда ҳозир бўлган кишилар хонандаларни, рақкосларни, созандаларни, СССР Давлат мукофоти лауреати, бадиий раҳбар Б. Дўсимжоновни, қозоқлар диёрининг ширин сухани ва ёқимли қўшиғини Ўзбекистонга келтирган ҳамма кишиларни қизғин қарсаклар, гуллар билан кутиб олдилар.

Дўстлик, қардошликнинг катта байрами ана шундай тугалланди.

С. ФРОЛОВА,
Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 7 октябрда Ўзбекистондаги қозоқ адабиёти ва санъати декадаси қатнашчилари шарафига қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросими самимий, қизғин вазиятда ўтди.

(ЎзТАГ).

ДЕКАДА ҚАТНАШЧИЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

7 октябрь куни Қозоғистоннинг ижодий коллективларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари тантанали равишда топширилди. Ўзбекистонда ўтказилган адабиёт ва санъат декадаси қозоқ халқи маданияти ютуқларини пропаганда қилишда, совет халқлари дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнади, декада ўтказишда актив иштирок этганликлари учун бу коллективлар шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов топширди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан қардош Қозоғистоннинг санъат ва адабиёт арбобларини самимий табриклади, уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Қозоғистон ССР маданият министри М. Бозорбоев, СССР халқ артисти Р. Абдуллин мукофотланганлар номидан юксак мукофот учун миннатдорчилик сўзлари айтдилар.

Мукофотларни топириш вақтида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари С. Н. Имашев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари К. Билолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

ХАЙФОНДА МИТИНГ

ХАЙФОН, 6 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун Хайфонда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси шарафига митинг бўлиб ўтди.

Митингда Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ВДР Бош министри Фам Ван Донг иштирок этди.

ВМП шаҳар комитетининг биринчи секретари Чан Киен йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлаб, Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши курашига, социализм қуришига доимо қимматли ёрдам бериб келаётганликлари учун КПССга, Совет Иттифоқи ҳукумати ва халқига қизғин миннатдорчилик изҳор қилди.

Шундан сўнг ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

Мен ва ўртоқларим, деди у, сизга, қаҳрамон Хайфон меҳнаткашларига мурожаат қилиб, совет кишилари Вьетнам халқига, сизнинг Америка агрессиясига қарши курашдаги мардлик ва матонатингизга, социалистик Вьетнамни бунёд этишдаги фидокорлигингизга ғоят ҳурмат билан қараётганликларини яна изҳор этишни ҳоҳлардик.

Бу ерда, орангизда туриб сизга, азиз ўртоқлар, сиз орқали Хайфоннинг барча меҳнаткашларига совет кишиларининг қизғин, самимий саломини топширишдан ғоятда хушнудмиз!

Хайфоннинг ўлмас жасоратлари, Хайфон аҳолисининг ғалаба қозонишга бўлган продаси букилмаслигини Совет Иттифоқидагилар яхши билишади. ВДРнинг денгиз қалъаси босқинчиларнинг ҳужумларини даф этганлигини ҳозир сиз дўстларимиздан фахрланиб қайд этамиз. Агрессорнинг режалари батамом барбод бўлди. Хайфон бардош бериб, ғалаба қозонди.

Ҳозиргина шаҳарни айланиб портда бўлдик, Совет Иттифоқининг Вьетнамга муҳим халқ хўжалик юклари келтирган «Мединь» кемасининг денгизчилари билан учрашдик, порт коллективининг вакиллари билан суҳбат қурдик. Корхоналарда, портда, ҳамма ерда ҳаёт қайнамоқда, мўъжиза яратишга қодир, дарҳақиқат мўъжизалар яратаётган халқнинг ғоят зўр ватанпарварлик шижоати сезилиб турибди.

Кўрганларимизнинг ҳаммаси битта аниқ ҳулосага келтиради: Хайфон, бутун Вьетнам халқи каби Хайфон аҳолиси ҳам Америка босқинчиларига қарши курашни охиригача етказишга, Вьетнам халқининг ўз тақдирини, ўз келажагини ўзи белгилашдек муқаддас ҳуқуқини ҳимоя қилишга маҳкам бел боғлаган! Вьетнам меҳнаткашлари билан учрашганимизда, ажойиб мамлакатингиз билан танишаётганда ҳамма ерда мана шу аҳду паймони кўриб турибмиз.

Вьетнамлик дўстлар билан дўстона учрашувлар бизда ўчмас таассурот қолдирди. Ватанимизга қайтиб боргач, сизнинг сидқидилдан қилган меҳмондўстлигингиз тўғрисида совет кишиларига гапириб берамиз, биз сизнинг мардлигингиз ва қаҳрамонлигингиз тўғрисида, сизнинг Совет-Вьетнам дўстлигига ҳамиша содиқ турганлигингиз ҳақида гапириб берамиз.

Биз партиянгиз ва давлатингизнинг раҳбарлари билан, деб давом қилди Н. В. Подгорний, самарали, ҳамжиҳат суҳбатлар ўтказяпмиз. Қисқача қилиб гапирадиган бўлсак, бу суҳбатлар дўстларнинг тўла ҳамжиҳатлиги, бир-бирларига ишониши вазиятида ўтаётган суҳбатлардир. Ҳанойда бўлиб ўтган митингда айтганимдек, суҳбатларда яхши қарорларга келяпмиз. Бу қарорлар ҳамма соҳаларда Совет-Вьетнам ҳамкорлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашга имкон беради.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, совет кишиларининг қалбларида ва ўйларида Вьетнам яшайди. Бугунги кунда шаҳарларингиз ва вилоятларингизнинг номларини миллион-миллион, неча ўн миллион совет гражданлари билади. Шу номлар орасида Хайфон шаҳрингиз, жангчи шаҳрингиз, заҳматкаш шаҳрингиз мамлакатимизда яхши маълум, албатта!

Сўнгги йилларда Совет Иттифоқининг портлари билан Хайфон порти ўртасида ўзига хос дўстлик кўприги ташланди. Бизнинг неча ўнлаб, неча юзлаб кемаларимиз республикангизга зарур бўлган минг-минглаб тонна юк ортиб Хайфонга келиб кетди ва келмоқда. Хайфон меҳнаткашлари совет кишиларини ўзларининг яқин дўстлари, оға-иниларидек кўриб қабул қилаётганликларидан, сизнинг совет шаҳарларимиздаги партия ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларингиз қадам-ба

Ризамат ота Мусамуҳамедов 90 ёшда

ЎЗБЕКИСТОН МИЧУРИНИ

Тўқсон ёшга кириб, шундан 75 йилини боғдорчилик ва узумчиликка бахш этган Ризамат отанинг номи республикамиз ташқарисида ҳам фахр билан тилга олинади, бағри кенг мамлакатимиз кишилари «кийрой боғбон шундай бўлса» деб ҳавасланади. Ота бундай иззат-икромга ижодкорлиги, ҳалол меҳнати билан эришди. Буни қуйидаги мисоллардан ҳам билиш мумкин.

Бухоро областидаги «Ромитан» совхозида қақраб ётган чўл ўрнида 70 гектарлик боғ бунёдга келтирилди. Унда етиштирилаётган олма, беҳи, шафтоли ва бошқа мевалардан Москва, Ленинград шаҳарларининг ишчи-хизматчилари, Сибирь ўрмончилари, Узоқ Шарқ балиқчилари ҳам баҳраманд бўляпти.

Унинг пойқадами қаергача етган бўлса, боғ-роғлар, токзорлар ҳам ўша жойгача илдиз отган. Ўтган беш йилликда шахсан отанинг ўзи 150 гектар майдонда серҳосил боғ ва токзор яратди. Унинг маслаҳати билан бунёдга келтирилган боғлар, токзорлар беҳисобдир.

Ризамат ота ажойиб соҳибкор. У яратган хилма-хил узум навларини республикамизнинг ҳамма жойида, қардош Тожикистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркманистон ССР, Қозоғистон ССРнинг колхоз ва совхозларида кўриш мумкин. Жуда кўп хил нав муаллифи бўлган боғбон ҳамон ўз ижодий ишини қизғин давом эттиряпти. Ота етиштирган узумлар ва мевалар Москвада, Халқ хўжалик ютуқлари виставкасида бир неча марта намойиш қилинди ва юксак баҳоланди.

Партия ва ҳукуматимиз мичуринчи боғбон Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг боғдорчилик ва токзорчиликни ривожлантиришдаги хизматларини юксак баҳолади. Унга 1935 йилдаёқ «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соҳибкор» деган фахрли унвон берилган эди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан 1962 йилда ота Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлди. Худди шу йили СССР Давлат мукофотининг лауреати ҳам бўлди.

Ризамат ота Мусамуҳамедов учта Ленин ордени билан, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, битта «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланди. Боғбон боғининг кўксини кўплаб медаллар безаб турибди. Ота олти марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олди.

Ота Халқ хўжалик ютуқлари виставкасида бир неча бор қатнашди. Виставканинг Фахрий ёрлиғи, учта катта олтин медали, учта кичик олтин медали, битта катта кумуш медали ва еттита бронза медалини олишга муваффақ бўлди.

Ризамат ота Мусамуҳамедов тўрт марта Ўзбекистон ССР Олий Советига, бир марта Тошкент область Советига депутат қилиб сайланди.

Республикамиз жамоатчилиги машҳур боғбон ва соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Ризамат ота Мусамуҳамедов туғилган куннинг 90 йиллиги ва меҳнат фаолиятининг 75 йиллигини зўр тантана билан нишонламоқда. Отага узоқ умр, халқ бахт-саодати, Ватан истиқболи йўлидаги яратувчилик меҳнатида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Эътибор ОХУНОВА.

Боғбон

ДОСТОН

(МАШҲУР СОҲИБКОР РИЗАМАТ ОТАГА БАҒИШЛАНАДИ)

Бировлардан боғ қолади элига,
Бировлардан доғ қолади дилингда.
Мангу яшаб қолганлар бор бу юртда,
Бир умрга сўймаган машъал—ўтдай.
Йиллар ўтар... йилларни-чи елкада
Олиб ўтар, айланар замин, замон.
Ҳаёт — денгиз, иксон сузар—елкандай
Бир-бирининг ишларин этиб давом.
Фотиҳлардан қолар қурол, жангнома,
Нақшинларда қолиб, яшайди наққош,
Шаҳарлар меъмордан буюк ёднома,
Ҳайкалга айланса оддий, жонсиз тош,
У яшар санъатдай, баҳра олар эл,
Санъатидай мангудир қайкалтарош.
Шоирдда яшайди устоз ҳунари,
Мунажжим ингоҳи ёнар юлдузда.
Одамлар кўксида яшайди бари —
Элга фидоийлар азиздир кўздай.
Бирор байт битса гар мужгон қалами
Ҳисларинг тафтидан нам бўлса дафтар.
Эртаси кезар у диллар оламин —
Шоирга яхши сўз, меҳр ахтариб.
Қайси дил орзуга, эҳсонга тўлиқ,
Бу юртда ҳамиша бўлгуси улуғ.
Шу эл деб тўкилса реза-реза тер,
Шу элдан қайтгуси бўлиб тоза дур.
Кўксингга юлдуз ҳам тақиб қўяр эл,
Кўзингга онадай боқиб суяр эл.
Юртимда яхши кўп, боғу-бўстон кўп,
Қалам тут азизим, ғазал, достон кўп.

* * *

Ишқ тушса кўнгил қайларга шошар,
Боғларга!
Юрагинг илҳомга тўлиб-тошса-чи!
Боғларга!
Тотли тар мевалар қилса-чи хумор!
Боғларга!
Гулларнинг атрини истаса дилдор!
Боғларга!
Ғазалларга бўёқ, қофия қайда!
Боғларда!
Дилрабо, майин куй таралар найдан
Боғларда!
Бол ҳўплар баҳорлар қайдин арилар!
Боғлардан,
Ёшлигин излашар бахтли қарилар
Боғлардан!
Булбуллар розини сўйлармиш гулга
Боғларда.
Ғунчалар лаб очар наҳор кулгуга
Боғларда
Еллар ҳам сар-сари шошармиш, баҳор,
Боғларга.
Илк бора бўсани олар ёрдан ёр
Боғларда!

* * *

Бир боғки, шеър тўқир ким босса қадам,
Муҳаббатни тан олур севгисиз одам.
Бир боғки, шохлардан шарбат тўкилур.
Кезсанг гар саҳарлар қўшиқ тўқилур.
Ниҳолки киприкдай табаррук айлаб,
Пайвандни меҳрила авайлаб бойлаб,
Дил тафтин тўкиб сув — ҳаёт ўрнига,
Боғ кезар... боғбонинг чеҳраси нурдай.
Бармоқла тароқлаб гуллар кокилин,
У ором билмагай, куртакда токи
Уфурсин илк бора баҳор нафаси,
Тунлар ҳам бедор у, боғда, чамаси.
Юлдузлардан гулга олар андоза
Йўқса, бўлармиди бу боғ овоза!

* * *

Баҳор чоғи эди... бир боғ ҳидладим
Бу боғнинг муаттар наргис гулидан.
Юракка не тушди, рости билмадим,
Мен боғлар шайдоси, боғбон қулиман.
Мен боғлар кезмадим висол ахтариб,
Гулларга хумарман, гуллар бўйига.
Ҳар сафар гулларга тўлди дафтарим,
Мен юрак тутдим гул, қушлар куйига.
Бу боғда кезар у, кезар у хушҳол
Гуллар-ла юзма-юз кумуш соқол чол.
Асомас, гул тутар қадоқ қўлларда,
Гул қолар у босган қутлуғ йўлларда.

* * *

Баҳорни муҳаббат рашк ҳам аташар,
Баҳорда юракка оташ туташар.
Боғларга, боғларга шошарди диллар,
Севгига пешвоздан очилар гуллар.
Бир дона қизил гул тутганча ҳушҳол
Йигит турар севган Гулин қошида.
Нигоҳлар учрашса, лаблар қолса лол,
Гул сўзлар, гул меҳр, севги ташигай.
Гулни олар аста таъзим бажолаб,
Қизнинг чеҳрасида шу гулнинг акси.
Ҳа, гуллар, гул тутиб қанча-қанчалаб
Юраклар пиҳона сўзлашар асли.
— Гуллар шунчалар ҳислат берган ким!
Албатта инсондир, инсондир ўзи.
Инсоннинг юраги, поклиги токи
Гул бўлиб безасин инсоннинг кўксин.
— Гуллар ардоклидир — пешоналардан
Япроқларга томган тоза тер ҳаққи.
Жой олмиш гул тўю-кошоналардан
Сулувлар гул узиб кўксига тақур.
Йигит, қиз баҳсида, қўлларида гул,
Босган ҳар одими, йўлларида гул...
Қўёшдайин қулиб боғ кезар боғбон,
Гуллар чаманига мисли чароғбон.
Бир қучоқ гул билан яқинлашди у,
Иккисига қулиб узатди гулни:
— Гуллардай яшангиз тоза, бозавол,
Тугамас бахт кўринг, — дуо қилар чол.
— Қалай, боғлар Сизга бўлдими манзур!
Савол берар боғбон, қад кериб мағрур.
— Боғ эмас, жаннат-ку, — яшнаб кетар қиз
Битта иltимосим маъзур тутсангиз.
— Айтақол чироғим, не керак, гулим!
Қирмизи олмами, ё шайдо булбул!
— Йўқ, йўқ... Сизга менинг бир илтижойим.
Шеърларимга бўёқ вазн, ҳижони
Топиб олдим бугун шу боғингиздан.
Хўп десангиз, гулга мафтун чоғингиз
Ёниб кузатсаму, илҳомга тўлсам,
Ҳар тонг ёнингизда, шу боғда бўлсам.
— Қани, сўзлайверчи, сўзла чироғим,
Нимаси яхшидир яратган боғим!
— Олам илҳом кўрдим гуллар атрида.
Анорлар юзида оқшом шуъласин.
Олулардан чирой олай сатримга,
Саболарда мушток дил гулғуласи.
Бутоқларда кўрдим севги баёзин,
Ғунчаларда пиҳон, ўтли бир дилни.
Титраган шабнамда ҳаяжон озми,
Ҳаётнинг девони дердим ҳар гулни.
Бутоқларга ёқут сиргалар тақиб,
Қуёшни кўксига яширган гилос.
Ишкомларга олтин кандиллар ёқиб,
Товланган ҳусайни—достонга қиёс.
Боғингизда кезиб, кўрдим бир дунё —
Муҳаббатнинг ёниқ, оташ дунёсин.
Иқболимдай ёруғ ҳар бир гул юзи,
Юрагимни ёқар, яшнатар кўзим.
Боғингизда толе, қуёш жуда мўл,
Бир жаҳонга етар ширин-шарбати.
Минг жаҳонни безар, нурга кўмар гул —
Гар узсангиз хушбўй исин таратиб.
Боғингизда қўшиқ, наво кезади,
Мен излаган қайноқ ҳаёт чашмаси.
Боғингизда, қирмиз олма юзида
Кўрдим илҳом қизин шўх карашмасин.
Япроқларга қўнган тонги шабнамни
Маржонлардай териб олай сатримга.
Боғларига меҳрин тўккан одамин.
Меҳр, ўтли тўлқин билан ёзай хатимга.
Барглар узра қўнган шабнаммас, балки
Пешонангиз тўккан томчилар улар.
Мевалардан томган шарбатми ёки
Қалбингиздан томган ширин туйғулар.
Боғингизда меҳнат, шон ташлар одим —
Ҳаётнинг денгизин тўлдирар дарё.
Боболар кўксини кемирган қадим
Орзулар бугун гул кўксида гўё.
Боғингизда ёшлик, шўхлик барқ урар,
Иқболидан мамнун, кезар кексалар.
Улкамнинг жамоли, кўрки гуркирар,
Янглиш эмас агар жаннат десалар.
Шу боғларда кўрдим ҳиммат, саҳоват,
Соқоллари кумуш, ошифта дилни
Боғингизда кезар ажиб тароват
Достонимга битай Сиз берган гулни...
Манглайини силаб жим қолди бир зум,
Балки, дил мулкидан муносиб сўзин
Ахтарар... чимрилар бароқ қошлари,
Гулларда ингоҳи ,сўзни бошлади:
— Мана, сизларгадир боғим, чаманим.
Баҳра олсин элим, азиз одамлар.
Узим учунгина мен боғ қилмадим.
Узилмасин боғдан қутлуғ қадамлар.

* * *

Шундай қилиб менман боғлар бандаси,
Ҳар тонг кузатарман гуллар хандасин.
Мен яна боғдаман, гуллар ардоғда,
Ўтли хониш қилар, қушлар бутоғда.
Унга маҳлиёман субҳидам яна,
Боғбон ота шабнам қўплаган чоғда.
Оппоққина яктак, чуст дўппи бошда,
Эгатда сув жилдирар, гер пешонада
«Келин бармоқлар» ҳам кулар қуёшда,
Ишкомлари эса нур кошонадай.
Ана. анорзорда юрар у саҳар,
Анорзорга кўчар қўшиғу ғазал.
Эзгулик ишқ берса, ишқ берса агар,
Борлиқ муҳаббатдан мунаввар азал.
Тўқсон ёшида у ошиқ, ҳа, ошиқ.
Шайдо бўлмаса у бу боғлар нечун!
Бу боғлар боғбонга ҳайкал ярашиқ,
Гўзал обидадай бу инсон учун.
Не учун сўнмади юракнинг ўти!
Замона бир умр завқ берди унга.
Не учун бедор у тонгларни кутиб!
Завқини бахш этар боғларга, гулга.
Шу ишқдан гул унар ниҳол бандида,
Шу ишқдан нур кулар гуллар кўксида.
Шу ишқдан боғбон гулларга банда,
Қуёшдай иликлик унинг юзида.
Утмишда тўқсонга кирган одамнинг,
Сўнгги йўл ўтарди албат кўзидан.
Тўқсон ёш мезондай сўнги қадамга,
Кексалик мезондай умр кузига.
Замона бахт берган боғбон бисотин
Гулга буркаб юртнинг қишу ёзини
Давраларга қўшар болнинг тотини.

* * *

Базму тўйхоналар безанса гулга,
Қутлуғ никоҳ куни гул тутса жонон,
Таъзим этсин келин шу қадоқ қўлга,
Таъзим этсин куёв қутлаб боғбонни.
Агар мурғак гўдак келса оламга,
Уни муборакбод этса яқинлар,
Агар гул тутсангиз, бахтли онага,
Гул экканга албат ўқинг таҳсинлар.
Давраларда бўлса узум, анорлар,
Дастурхонлар тўкин-сочин тузалса,
Боғбонларни эсланг сўлим наҳорлар,
Нонуштага «келин бармоқ» узилса.

* * *

Бир ғужум узумдан тотиб атиги,
Бир дунё зийнатин кўрди кўзларим.
Шундай дунёкн у, ҳар бир қатига
Дил мулкининг етмай қолар сўзлари.
Баҳорда ҳам бўлдим ёзда ҳам боғда,
Кузда ҳам қолмадим боғбон кетидан.
Ҳали митти майса унмай ўтлокда,
Ота гул очирар юрак ўтидан.
У кезса боғларда, бўлур мунаввар.
Дарахтлар тебраниб келар таъзимга.
Гулларн силкиниб сочурлар анбар,
Япроқлар бош эгар инсон азимга.
Боғларда гўё бир қуёш кўрингай,
У кезса боғларда ҳаёт гуркирар.
Олмалар саломга чиққан келиндай,
Пойини ўпмоқчи бўлиб тўкилар.
У кезса боғларда субҳидам чоғда,
Ғунчалар лабларин очар кулгуга.
Қушлар ҳам хонишин бошлар бутоғда,
Мен полман... мафтунман ширин туйғуга
Гулқайчи тутса гар қўлига боғбон
Ранго-ранг гуллари тутар кокилин.
Бу каби муҳаббат висолга доғман,
Таъзимга келурман мен ҳам букилиб.
Гоҳи рашк, гоҳ ҳавас туғёни дилда,
Туқсонда яшарган бахтли кексага.
Инсон ҳеч қаримас менинг элимда,
Адашмас, муҳаббат мангу деса ким.

* * *

Ишқ тангриси бир зум лол қолар,
У битган ҳар ғунчага боқиб...
Ҳар бутоқда гўё нур ёнар —
Шуъларда шудринглар қалқиб.
Ҳар япроқда кўрдим қўшиқ, ноз,
Кўрдим ўтли инсон нафасин.
Ғужумлар дер: тонглар ғазал ёз,
Куйлагил гул, боғ замзамасин.
Чол кўнглида ҳали яширин,
Ширириндир боғлар оламн.
Шу ишқ билан мен ҳам яшадим
Ойлар кездим тутиб қаламим...
Фарзандидай ардоқлар у боғларни
Ҳар ниҳолда унинг йиғит чоғларин
Ғўзаллиги, таровати гуркирар,
Ниҳоллари илк ғунчага бурканур.
Боғбон кезар... яшарар яна, яна
Юрагида шу ишқ қилар тантана.
Сўнг боғларга олиб кетар етаклаб,
Боғлар унга гуллар тутар этаклаб.
Ҳар қатрада қолар унинг ҳислари,
Ҳар қатрада қолар унинг излари.
Гирдиғум гардани — токлар зангидай,
Токлар навдасидай бармоқлар узун.
Йилларнинг изи бор бу кенг манглайда
Не қисматлар кўрган ўткир кўзлари...
Боболар ғам чекди ниҳол дардида
Сувсизлик уларга эди-ку тақдир.
Сувсиз гул унмади тупроқ гардида
Она ер қақради йиллар муттасил.
Хаёллар, хаёллар ичида бир зум,
Боғбоннинг лабида ўйнар табассум.
Замонам... кўзида бир нур кўринди,
Чунки не саҳролар Ҳазорбоғ энди.
Замонам... Зилолдай сувлар ўйноқлар,
Бахтимдай ардоқли бу чаман боғлар.
Бахтидан мамнун чол кўп йиллар ҳали
Боғларга буркайди азиз ўлкани.

* * *

Тошкентнинг сувини тотса гар бир қуш,
Қашқару Ҳиндудан келармиш қайтиб.
Юртимнинг боғлари олса-чи ҳушин,
Тош юрак бўлса ҳам тўқир ишқ байтин.
Узбекда нақл бор: эй яхши одам
Яхшилигинг неда! Эқдингми ниҳол!
Не билан ўлчанар сен боғсан қадам!
Умр сўнггида ҳам такрор шу савол.
Куйга ошиқ биров, булбул куйига,
Жонин тутар биров шахмат суришга.
Биров бир жуфт сатр, байтнинг ўйида
Таҳёр кумуш тонгин бедор кўришга.
Боғбон ҳам шоирдир, шоирдир асли —
Боғбон ҳам изларку гулларнинг васлин.

* * *

Ҳар дарахтда ҳаёт, тонгнинг ғазали,
Ғунчалардир — боғбон ёзган байтлари
Олтин чопон анжир томизса асал,
Сурпа япроғлари унинг — дафтари.
Ғужумлар — сўз мулки — дурлар садафи
Ғазаллар бандидир — жуфти-жуфт гилос.
Мисраларга моманд ишкомлар сафи,
Радифлардай гўзал олу, чароспар.
Нашвати ноклари тун фонусидир,
Анор — сўз донаси у берса сайқал.
Қирмизи олмалар тонг ёғдусидир
Боғбон ғазалига кўз солган маҳал.
Беҳилар таратар хушбўй атрини,
Боғбон оқшомларда хумор бўлса гар.
Субҳидам нурига белар сатрини
Дилафрўз сабода тўкилса саҳар.
Боғбон ҳам бедордир саҳарлар боғда
Ғунчалар ҳижжини санар бармоқлар.
Гулларга парвона субҳи-шом чоғда
Ниҳоллар баргини бир-бир тароқлар.
Сув сўрар гоҳида боғи, чамани
Суғорар меҳридан, манглай теридан.
Энг азиз туйғулар — боғлар романи
Кам эмас шоирнинг тонги шеъридан.

* * *

Дилдор кеп, боғда ёнма-ён кезсангчи,
Ғазал базмида ўзни ҳур-гулмон сезсангчи.
Бунда жамдир созу, шеър аҳли бугун.
Боғбонга гуллардан шодмон узсанг-чи.
Ҳосил тўйи... ишқу, ғазалнинг тўйи,
Боғлар тўла мева-асалнинг бўйи,
Умр бўйи ёзиб боғ китобини,
Боғдай азиз инсон — фазлнинг тўйи.
У мисли чинордир, гавжум соясн
Бахраманд ўтирар ёшу қарилар.
У мисли баланд тоғ, қорли қояси
Юртига мўлу кўл сув берар ҳали.
У мисли уммондир, лиммо-лим дарё,
Ҳали саҳроларга элтгуси ҳаёт.
У мисли баҳордир, у келса ҳар ёғ,
Гуллар атри билан бўлгуси обод.
Тўқсон йил умрнинг тўқсон хил боғи
Тўқсон элатимда гуркирар бугун.
Яна гул қучоқлар дарахт бутоғи,
Яна ғунчалардан кўтарар тугун.
Самарқандда замон Боғи бехиштн,
Хоразмда Боғи нақши жаҳондир.
Бухорода Ҳазорбоғлар етишди,
Фарғонамиз бугун боғларга кондир.
Боғларда гул терган масъум оналар
Мамнун, шарбат ичиб тамшанган гўдак.
Мамнунлик меҳрдан, ишқдан яралар
Мамнундир боғда ким қўл чўзса гулга.
Бугун саватларга дурлар узилур,
Бугун дастурхонга биллур тизилур.
Қуёшнинг жилваси тоқ япроқларда,
Қизларнинг тўлишган яноқларидай.
Мевасин тотманг байтин айтмасдан,
Боғбон бобомизнинг қўли қайтмасин,
Боғбон қўли махтал. мевани олинг,
Байтнинг ўзи келар тотгач бу болни.
— Хумморга май, хумормасга шифодир узум.
Боғбонлардан сўранг аслн бу боғлар кузин
Ишқли дилдай, олам яширин ҳар донасида
Боғлар маликаси — боғбоннинг қизи.
Бугун боғбон тўйин қутлаб бахшилар,
Шоир, ғазалхонлар, аҳли яхшилар,
Боғда оқшомгача қуррлар давра
Жаннатлардан афзал сўлим гулшанда.

* * *

Яна боғлар аро севги баёзи...
Яна боғлар аро баҳору, ёзин,
Кутгали шай кўнгил қалам тутади.
Мени яна боғбон махтал кутади.
Шудрингга чўмилган узумдан тутар,
Ҳислардан туғилган шеъримни мен ҳам.
Ҳар сатр боғбоннинг кўзидан ўтар,
Бол тамли узумдан тотаман мен ҳам:
— Мана, ток ҳам қолди мункайиб,
Юзларида беҳисоб ажин.
Боғбон бува бир куни қойиб,
Кесди, қишга тахлади саржин.
Қиш ўчоғи... олов чарсиллар
Чол ҳам ўйчан соқолин силар.
Ток ўчоқда ял-ял чўғ бўлди,
Чолнинг кўнгли бардам, чўнг бўлди.
Икки кекса ҳамдам яшашди,
Чол меҳрини тўкди ниҳолга.
Ҳосилдан кўзи қамашди,
Йиллар кечиб, келди шу ҳолга...
Чолдан меҳнат, бол мева-токдан
Бир умрга ҳамрозлик, шу хил,
Олов ёнар чарс-чурс ўчоқда
Дегандайки: — «мендан розн бўл!»...
Шеърни ўқиди-ю жилмайди хиёл —
Билмам, нелардадир кўхна бу хаёл.
Ораста боғларда ўтган ёшлигин
Эсларми ўтмишга у одим ташлаб.
Ҳар бир одимида боғ турар бугун,
Ҳар бир нигоҳида гул тугар бугун.
Кечаги ниҳоллар, мевадан ларзон,
Лекин ташвиш чекар: — кўп элдан қарзим.
Хаёл билан боққа қараб юрди у
Мен ҳам хаёл суриб унга эргашдим.
Боғбон ток зангини кўзига сурди,
Сўнгра лабларини босди энгашиб.
Навдаларин силаб, шивирлар лаби,
Япроқлар ҳам жавоб айлаган каби,
Нозли тебранишар боди сабода,
Икки кекса шундай сирлашар боғда...

* * *

Мирзачўл боғларин кезиб юрар у
Яна йўлларида, қўлларида гул.
Яна ниҳолларга киприк қадайди,
Яна субҳидамлар ғунча санайди.
Яна ошиб борар боғларнинг сони,
Яшартириб азиз диёр, инсонни.
Яна гул базмига жамдир одамлар,
Боғбон ота энди юзга одимлар...
Советлар Ватани ардоқлар уни
Шу сабаб кўринмас асо қўлида.
Тўқсон ёшли бобо соғиниб гулни
Ҳар тонг кетиб борар боғлар йўлида.
Шу қутлуғ диёрга, халқимга таъзим,
Боғбоннинг кўксида иқбол юлдузи,
Шу юрт бор, бахти ҳам мумтозу азим,
Тўқсонларни тўйи, кўргуси юзни.

Март — сентябрь. 1971 йил.

Сирож ЗИЁМОВ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республика коммунал хўжалиги министри Сирож Зиёмов узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1971 йил 7 октябрда вафот этди.

Ўзбекистон партия ташкилоти, меҳнаткашлари республиканинг энг кекса раҳбар ходимларидан бири, ажойиб ташкилотчи, Ўзбекистон халқ хўжалигининг тараққиётига катта ҳисса қўшган йирик мутахассисдан жудо бўлдилар.

С. Зиёмов оддий ишчидан то министргача бўлган шонли йўлни босиб ўтди.

С. Зиёмов 1910 йилда Тошкент шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Етти йиллик мактабни битирганидан сўнг у «Ташсельмаш» заводига тунукасоз бўлиб ишга кирди. Кейин у Октябрь революцияси заводи тепловоз-ремонт цехи бошлиғининг ўринбосари ва цех бошлиғи бўлиб ишлади. 1940 йилда С. Зиёмов шу корхонанинг партком секретари ўринбосарлигига сайланди. Кейин эса Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг секретари лавозимига кўтарилди. 1942 — 44 йилларда у Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги курсни тугатганидан сўнг С. Зиёмов Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1950 йилдан эса Ўзбекистон ССР савдо министри қилиб тайинланди. 1956 йилдан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар бошқарувчиси бўлиб ишлади ва 1966 йилдан буён у республика коммунал хўжалиги министри лавозимида ишлаб келди.

Партия С. Зиёмовни қаерга йўлламасин у барча лавозимларда ажойиб ташкилотчилик қобилияти, изчиллик, битмас-туганмас ғайрат билан ишлади, топширилган ишга юксак масъулият билан ёндошди. У республикада зўр обрў ва эътибор қозонган эди.

С. Зиёмов республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди, бирнеча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат ва аъзо, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.

Партия ва ҳукумат С. Зиёмовнинг партия ва хўжалик қурилишидаги хизматларини юксак баҳолади. У икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланган эди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, толмас заҳматкаш, истеъдодли ва сезгир раҳбар, ажойиб ўртоқ ва дўст Сирож Зиёмовнинг ёркин хотираси қалбимизда мангу сақланиб қолажак.

Ш. Р. РАШИДОВ, Н. М. МАТЧОНОВ, Н. Ж. ХУДОИБЕРДИЕВ, И. Г. АНИСИМКИН, С. Е. БЕЛОНОЖКО, А. Д. БЕСЧАСТНОВ, И. Р. КУРБОНОВ, В. Г. ЛОМОНОСОВ, М. М. МУСАХОНОВ, Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, Қ. КАМОЛОВ, Н. МАҲМУДОВ, С. Р. РАСУЛОВ, С. У. СУЛТОНОВА, А. С. АБДАЛИН, Р. Ҳ. АБДУЛЛАЕВА, Г. А. ГАБРИЕЛЬЯНЦ, С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ, И. В. МАРЦИНЮК, М. Т. ТУРСУНОВ, А. Р. ХУЖАЕВ, М. А. ЗОИДОВ, Х. А. АСОМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республика коммунал хўжалиги министри Сирож Зиёмовни дафн этиш учун И. Г. Анисимкин (раис), И. В. Марцинюк, М. А. Зоидов, Р. К. Шонеъматов, У. А. Абдураззоқов, И. Р. Шоабдураҳимов, З. З. Калоновлардан иборат ҳукумат комиссияси тузилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ЗИЁМОВНИ ДАФН ЭТИШ ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИДАН

Ҳукумат комиссияси шуни маълум қиладики, марҳум Сирож Зиёмов билан видолашув Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Катта залининг фойесида 1971 йил 8 октябрь соат 10.00 дан 12.00 гача бўлади.

Дафн маросими соат 12 дан 30 минут ўтганда Чиғатой қабристонида ўтказилади.

СЎЗ — МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА

ВАЪДАГА ВАФО

Колхозимиз меҳнат аҳлининг ижодий меҳнати қувончли натижалар беряпти. Давлатга маҳсулот сотиш планлари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ошириб бажарилаётганлиги бунинг далили дир. Масалан, давлатга пилла, канап, сут, тухум, жун, дон (шоли дан ташқари) топшириш йиллик планлари анча ошириб адо этилди. Ғўзт етиштиришни кўпайтириш мақсадида сарфланаётган куч-қувват ҳам қувончли натижалар бераётир. Давлатга ғўзт учун топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 359 килограммни ташкил этди.

Аммо пахта етиштиришни кўпайтириш ва бу йил ҳар қачонгидан кўпроқ «оқ олтин» етказиб беришни колхозимиз коллективи биринчи ўринга қўйди ва кўзлаган мақсадига эришди. Минг гектар майдоннинг ҳаммасида мўл ҳосил етиштирилди. Агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш натижасида ҳосил барвақт етилди. Уни териш ва тайёрлаш уюшқоқлик билан бошланди ва юксак суръатлар билан давом эттирилди. Агар терим бошланган дастлабки кунларда ҳар куни йиллик планнинг 3-3,5 процентн миқдорида пахта терилган ва тайёрланган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 5-6 процентга, айрим кунлари эса 7-8 процентга етказилди. Натижада давлатга пахта сотиш йиллик плани жуда қисқа муддатда — 20 иш кунида муваффақиятли бажарилди. Ватан омборига 2610 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топширилди. Ҳозиргинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26,1 центнерден дурдона теріб олинди. Тайёрланган пахтанинг 2477 тоннаси ёки 95 процента биринчи сортга қабул қилинди.

Биз бу улкан ғалабага пахтачиликни комплекс механизациялаш, айниқса ҳосил йиғим-теримини кенг машиналаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш туфайли эришдик. Колхозда мавжуд бўлган 36 та икки қаторли терим агрегатининг ҳаммаси дастлабки кунданоқ юқори унум билан ишлатилди.

Механизаторларимиз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 85 процентини машиналарда теріб бериш мажбуриятини олишган эди. План бажарилгач, улар ўз мажбуриятларини қайта қараб чиқишди ва машина терими ҳажмини 3000 тоннага етказиш ҳақида ваъда беришди. Бу ялпи ҳосилнинг 90 процентини ташкил этади.

Меҳнатда қўлга киритилган бу улкан зафар колхоз бошланғич партия ташкилоти ва правлениеси деҳқонларни, чорвадорларни КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашга сафарбар этиш юзасидан белгиланган ҳамда қатъият билан амалга оширган ташкилий, сиёсий ва амалий тадбирларнинг қувончли натижасидир. Колхоз бошланғич партия ташкилоти КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш ва амалга ошириш юзасидан тадбирлар белгилаган ва бу тадбирлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган эди. Ана шу тадбирларда бу йил ҳосилдорлиги гектар бошига 33 центнерга, ялпи ҳосилни эса 3300 тоннага етказиш, план ва мажбуриятни қисқа муддатда бажариш назарда тутилган эди. Пахтакорларимиз планни барвақт бажариш ҳақидаги ваъдаларининг устидан чиқишди. Улар яна давлатга 700 тонна пахта топшириш, мажбуриятни 18 октябргача бажариш ва умуман ҳосил йиғим-теримини 20 октябргача тугаллаш ҳақида сўз беришди. Улар ўзларининг бу ваъдаларини ҳам албатта бажарадилар.

К. МАМЕДОВ,
Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозининг раиси.
Ш. МУХТАЗАР,
колхоз партия комитетининг секретари.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Республикамиз областларида шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 7 октябрга бўлган маълумот

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — план (тонна ҳисобида); учинчи стун — жами тайёрланган шоли (тонна ҳисобида); тўртинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Хоразм	19.500	6.000	30,8
Андижон	5.000	1.317	26,3
ҚҚ АССР	54.000	8.618	15,9
Сирдарё	13.970	2.078	14,9
Фарғона	3.000	310	10,3
Тошкент	20.300	1.756	8,6
Наманган	4.000	320	8,0
Сурхондарё	6.800	417	6,1
Самарқанд	2.300	63	2,7
Республика бўйича:	128.870	20.879	16,2

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА



Чехословакия. Сиз ушбу суратда серқатнов Лаба дарёсини кўриб турибсиз. Дечин шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи бу дарёда кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Юк ва пассажир кемаларининг кети узилмайди. Улар шаҳарлардан шаҳарларга юк ва одам ташийдилар. Заҳматкаш Лаба дарёси эса уларни ўз елкасида беминнат кўтарганича оққани-оққан.

ЧТК-ТАСС фотоси.

Куба. Мамлакатда уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган даражада жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳар йили минглаб меҳнаткашларнинг оилалари янги, кўркам уйларга кўчиб кирмоқдалар. Суратда: Гавананинг шарқий райони Гавана дель Озсте кўчаларидан бирининг кўриниши. Халқ ҳокимияти йилларида бу ерда ўнлаб кўп қаватли уйлар қад кўтарди.

Е. Алексеев фотоси, (ТАСС).

СПОРТ

ЯНГИЛИКЛАР

Навбатдаги тур натижалари

Утган душанба куни бу йилги мавсумнинг навбатдаги иккинчи тур ўйинлари бўлди. СССР биринчилиги учун шайбали хоккей бўйича ўтказилган бу учрашувнинг Армия спорт клуби хоккейчилари билан торпедочилар ўйинида 5:4 натижа эълон қилинди. Чемпионатнинг Ленинград шаҳридаги биринчи ўйинида дарвозабон Шаповалов билан Коноваленко ўз командаларини бир неча бор хавф-хатардан сақлаб қолишди. «Химик» — «Динамо» учрашуви 4:2 ҳисобида тугади.

«Спартак» — ЦСКА ўйинида кучлар тенг келди: 4:4. Спартакчи Мартинюк—Шадрин — Якушевнинг маҳорати алоҳида сезилиб турди. Москва темир йўлчилари Челябинскнинг «Трактор» командасига 2:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Ўртоқлик учрашуви

СССР олимпия терма командаси Германия Федератив Республикасига жўнаб кетган эди. Нюренберг шаҳрида 1972 йилда бўладиган футбол бўйича олимпия турнири олдидан ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Энди расмий саралаш учрашувлари бўлади: 13 октябрда Львов шаҳрида Австрия командаси футболчилари билан ва 3 ноябрда Ереван шаҳрида Франция командаси билан ўйинлар ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

Фахрли иккинчи ўрин

СССР терма командаси гандболчилари «Балтика» кубоги учун бўлган қизғин учрашувларда иккинчи фахрли ўринни эгаллашга эришди. Финал ўйинда совет гандболчилари Германия Демократик Республикаси спортчилари билан беллашдилар. Қўшимча берилган вақт мобайнида 19:18 ҳисобида нейис спортчилари ғолиб келдилар.

Ўринбосарлар даврасида

Футбол мавсумида «ол кетди—ол қўйди» даври бошланди. Кучлилар даврасида муҳофотли ўрин учун ва кейинги ўриндаги командалар ўз мавқеларини яхшилаб олиш учун қизғин курашмоқдалар. Иккинчи лига бешинчи зона командаларининг кўпчилиги энди бешталарнинг ўйин ўтказадилар. Узбекистондан бу зонада қатнашаётган беш командадан бири «ортиқча» бўлиб қолади ва у келгуси мавсумда чемпионга ўрнини бўшатиб беради.

«Ортиқча» бешинчи команда қайси? Ҳозир аниқ гап айтиш қийин. Бироқ жамғарилган очколарни таққослаб кўриш мумкин: «Зарафшон» (Навоий) энг кам—24 очко, Термизнинг «Автомобилист»и ва Фарғонанинг «Нефтяник» командаси 27-26 тадан очко тўплашди. «Политотдел» 32 ўйиндан кейин 29 очколи бўлиб турибди. 29 ўйиндан 35 очко йиғолган «Янгиер» тўртинчи ўрин билан кифояланса керак.

Петросян ғолиб

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги даъвогарларининг охирги курашидаги иккинчи партияда оқ доналар билан ўйнаган Тигран Петросян америкалик гроссмейстер Роберт Фишер устидан ғалаба қозонди.

Рақиблар Грюнфельд ҳимоясини қўлладилар. Ун учинчи юришда Фишер қалтис юриш қилди, шундан сўнг оқлар ғайратга келиб, ташаббусни қўлга олиб, кучли зарба берабошлади. Уттиз иккинчи юришда Фишер ўзининг мағлуб бўлганлигини тан олди.

Ўйин ҳисоби 1:1 бўлди. Учинчи ўйин 7 октябрда бўлди. Фишер оқ доналар билан юрди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ҚАРДОШЛИК РУҲИДА

БЕРЛИН. (ТАСС). Бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси Карл Либкнехт номидаги Берлин трансформатор заводини бориб кўрди. Совет халқи вакилларининг корхона меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган учрашуви дўстлик ва қардошлик руҳида ўтди.

Делегацияга Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Э. Мюккенберг ва Германия Демократик Республикаси халқ палатасининг раиси Г. Геттинг ҳамроҳлик қилдилар.

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ IX СЪЕЗДИДА

КОЧИН, 6 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг бу ерда ўтаётган IX съездида партиянинг ташкилий ва сиёсий фаолияти масалалари устидаги мунозара давом этмоқда. Делегатлар Коммунистик партиянинг Ҳиндистон ривожининг ҳозирги босқичидаги стратегияси ва тактикаси масалаларига катта эътибор бердилар.

Бугун съезд делегатлари ташкилий масалаларга доир докладни тингладилар. Бу масала юзасидан Ҳиндистон Компартияси Миллий кенгашининг Бош секретари ўртоқ Ражешвар Рао доклад қилди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ХАНОЙ, 6 октябрь. (ТАСС). Озодлик матбуот агентлигининг хабарларига кўра, Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 23 сентябрдан 24 сентябрга ўтар кечаси Бинь Тхуан вилоятининг Фанри районида душманнинг ҳарбий базасига ҳужум қилиб, душманнинг 50 га яқин солдатини сафдан чиқарган.

Озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига кўра, Озодлик армиясининг кучлари 20 августдан 20 сентябргача Бинь Динь вилоятида душман солдат ва офицерларидан 850 кишини ўлдирдилар, яradор қилдилар ва асир олдилар, 3 та вертолетни уриб туширдилар, 30 та ҳарбий машинани яксон қилдилар, кўп миқдорда қурол-аслаҳани ўлжа олдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

РИМ, 6. Умбрия областида кучли зилзила бўлди. 22 марта силкиниш қайд этилди. Уй-жойларнинг 20 процента вайрон бўлди, электр линияларига шикаст етди, телефон алоқаси бузилди. Неча юзлаб хонадонлар бошпанасиз қолди.

АНҚАРА, 6. Туркия Миллат мажлисининг миллий палатасида 450 ўриндан 224 ўринга эга бўлган Адолат партияси Нихат Эрим ҳукуматида бундан буён қатнашмаслик тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу ҳукумат 26 мартда ҳарбийларнинг талабига биноан «ислоҳотлар ва миллий бирлик ҳукумати» қилиб тузилган эди.

АҚШНИНГ ЛАОСДАГИ АГРЕССИЯСИ

ВАШИНГТОН, 6 октябрь. (ТАСС). Американинг Лаосдаги агрессиясини кенгайтириш шу даражага бориб етдики, бунга ҳатто АҚШ конгрессида ҳам норозилик билдирилмоқда. Америка сенати агрессиянинг бундай кенгайтирилишини, шу жумладан, Марказий разведка бошқармасининг махфий отрядларини қандай қилиб бўлса ҳам тўхтатишга уриниб кўрди. Америка сенаторлари сенатор Саймингтон киритган тузатишни 11 овозга қарши 67 овоз билан қабул қилдилар. Бу тузатишда АҚШнинг шу мамлакатдаги ҳарбий ҳаражатлари 350 миллион доллардан ошмаслиги керак, дейилади.

Обзорчиларнинг айтишларига қараганда, сенатнинг бу қарори Пентагоннинг фақат қуруқликда ўтказадиган операцияларига жорий қилинади ва Америка авиациясининг Лаосни вақшиёна бомбардимон қилишига мутлақо таъсир этмайди. Бундай бомбардимон қилишга АҚШ ҳар йили 140 миллион доллар чамаси пул сарфламоқда.

Бу тузатишни конгресснинг қабул қилиши эҳтимолдан узоқ. Лекин конгресс шуни қатто қабул қилган тақдирда ҳам АҚШнинг Лаосдаги агрессияга сарфлаётган маблағи, барибир, ярим миллиард доллардан иборат жуда катта маблағни ташкил этади.

АФРИКА ХАРИТАСИ ОЛДИДА

МУСТАҚИЛЛИК УЧУН

Африка қитъасидаги миллий-озодлик ҳаракати унинг сиёсий харитасида туб ўзгаришларни вужудга келтирди. Натижада кўпчилик халқлар суверенитетни қўлга киритиб, мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олдилар. Бироқ, империализм турли хил найранглари ишга солиб, қитъада авж олиб кетган озодлик курашини тўхтатиб қолиш, у ерда ўз мавқеини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун жон-жаҳди билан уринмоқда. Бунда айниқса империализмнинг Африкадаги зарбдор отряди сифатида иш тутаётган Жанубий Африка Республикасининг иркчи ҳокимияти қатғиқ жон қойитмоқда. Иркчилар кўп ҳолларда баъзи бир Африка давлатларининг ҳукмрон доиралари томонидан ҳам қўллаб-қувватланиб келмоқдалар. Бу ҳол қандай оқибатларга олиб бориши мумкин эканлигини Лесото мамлакати яққол кўрсатиб турибди.

Лесото — Африка жанубидаги унча катта бўлмаган қиролликдир (майдони — 30,2 минг квадрат километр, аҳолиси 1 миллионга яқин). Бу қироллик хар йили октябрь ойида ўзининг мустақилликка эришган кунини байрам қилиб келмоқда. Бу йил эса унинг мустақилликка эришганига беш йил тўлди. Бироқ, ана шу йиллар ичида фақат шаклан мустақилликка эришган бу мамлакатда жуда кам ўзгаришлар амалга ошди. Шу пайтгача мустамлакачиликнинг қора излари жуда аён сезилиб турибди. Мамлакатда Жанубий Африка Республикасига тобелик ҳамма нарсада кўзга ташланади. Бу ердан инглизлар кетгач, уларнинг ўрнини яна келгиндилар — Жанубий Африка Республикаси эгаллаб олди. Бутун территориясининг атрофи Жанубий Африка Республикаси томонидан ўралган Лесото ҳамма томондан Преторияга мутеъ бўлиб қолган. Бу ерда ҳамон пул бирлиги сифатида Жанубий Африка ранди қўлланиб келинмоқда.

Мамлакат экономикаси ҳамон мустамлакачилик давридаги сингари ачинарли аҳволда. Бу эса оммавий равишда ишсизликка сабаб бўлаётир. Мамлакатнинг ерли аҳолиси — басутолар иркчи Жанубий Африка Республикасининг конларида ва шахталаридан бирор иш топишга мажбур бўлмоқдалар. «Бу аҳвол, — дейди иркчи давлат бош министри Форстер, — анча вақтгача давом этади». Бундай тахминлар асоссиз эмас, албатта. Чунки мавжуд аҳволнинг ҳукм суришига Лесото ҳукмрон доираларининг ўзлари ҳам ғоятда мойилдирлар.

Маълумки, 1970 йилнинг январида мамлакатда давлат тўнтариши юз берди. Натижада Миллий партиянинг лидери Леабуа Жонатан ҳокимиятни ўз қўлига олди. Диктаторнинг дастлабки фармойишларидан бири мамлакатда Коммунистик партияни ва бошқа барча оппозициячи ташкилотларни тақиқлашни қонунлаштиришдан иборат бўлди. Ташқи сиёсат борасида ҳам империалистик ғарб билан алоқани мустаҳкамлаш тадбири кўрилди. Бунинг устига табиий географик ва иқтисодий томондан қўшни бўлган Жанубий Африка Республикаси билан муносабатнинг «алоҳида характерга эга эканлиги» ҳар томонлама таъкидланди.

Жонатан режими мамлакат учун ғоятда ҳаётий бўлган бирор проблемани ҳал қила олмади. Ишсизлик, қашшоқлик, очлик халқ бошидан аримайдиган кулфат бўлиб келмоқда. Лесотодаги аҳолининг турмуш даражаси Африкадаги энг паст турмуш даражасига тўғри келади. Ҳозир ҳам илгаридагидек бу ерда миллий бюджет учи-учига етмайди. Молия, савдо, саноат министри Питнинг эътироф этишига қараганда, «яқин уч-тўрт йил ичида даромад билан ҳаражатни балансластириб бўлмаса керак». Жанубий Африка Республикасининг маслаҳатчилари иштирокида тузилган «Лесотони ривожлантиришнинг беш йиллик плани» ҳам реал эмас.

Лесото экономикасида 40 дан ортиқ фирма, биринчи галда Жанубий Африка фирмалари хўжайинлик қилиб келмоқда. Катта фойда келтирувчи соҳалар, айниқса энергетика, фойдали қазилма конлари чет элликлар қўлига ўтиб кетган. Улар асосий эътиборни туризм учун қулайлик келтирувчи йўл қурилишига қаратмоқдалар. Франс пресс агентлиги мухбирининг таъбири билан айтганда, мамлакат Жанубий африкаликлар учун курортга айлантирилмоқда. Шунда ҳам бундан чиқадиган фойдалар давлат хазинасига тушмайди. Меҳмонхоналар ва кўнгил очиш жойлари «Холлидей-инз» Америка ва Жанубий Африка монополиясининг мулки ҳисобланади.

Бироқ мамлакат экономикасининг ўзигина чет элликлар қўлида эмас, балки мавжуд режим сиёсий томондан Преториянинг Африкадаги агенти ролини кўпдан буён бажариб келмоқда. Шахсан Жонатаннинг ўзи манфур иркчи режимнинг содиқ ҳимоячисидир. Бу эса, Африка бирлиги ташкилотининг сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жонатан Африка бирлигини поймол қилиш ва миллий-озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш учун аччигина жон куйдирди.

Жонатан ҳукумати ўтказаётган халққа қарши хоинона сиёсат миллий манфаатларни ҳамма нарсадан улуғ деб билувчи барча кишиларнинг газаб ва нафратига сабаб бўлаётир. Лесотода ҳукм сураётган ҳақиқий аҳвол тўғрисида «Африка рипорт» журналида келтирилган маълумотлар тўла гувоҳлик беради. Лесотода мавжуд ҳукмрон доира ўтказаётган сиёсатга қарши ҳамда ўтказилаётган репрессияларга қарши намойишлар ҳамон тўхтамаяпти. Лесото турмаларида кўпдан буён турли хил оппозициячи партияларнинг 200 га яқин арбоби асоссиз равишда қамалиб, суд қилинмай ва тергов ўтказилмай азоб чекмоқда. Мамлакатда хар қандай сиёсий партиянинг фаолияти тақиқлаб қўйилган, фавқулодда холат ҳамон давом этмоқда. Бироқ, Жонатан ўтказаётган репрессиялар ва полиция ўзбошимчаликларига қаршилик кўрсатиш тобора кучайиб бораётир. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг олдинги сафида коммунистлар бормоқдалар. Коммунистлар яширин суратда олиб борилаётган ўз фаолиятларида ажойиб мардонаворлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Лесотонинг ёш Коммунистик партияси ўз мамлакатининг миллий манфаатлари учун олиб бораётган курашида алоҳида ўрин тутмоқда. Партиянинг биринчи программасидаёқ, бу нарса аниқ ифодаланган. Бунда коммунистлар мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларнинг Бирлашган фронтини тузишни ўзларининг асосий вазифалари қилиб қўйганлар.

Бугунги кунда мазкур шиор айниқса ҳаётий шиор сифатида баралла жаранглмоқда. Коммунистлар шиори жамиятдаги барча табақаларнинг, айниқса чет эл монополиялари томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинаётган ишчи ва деҳқонларнинг интилишларини акс эттирмоқда. Мамлакатда миллий-демократик давлат қурилиши, ҳозирги кунда ҳукм сураётган ярим мустамлакачилик экономикасига асосланган тузумни, чет эл капиталини батамом тугатиш, деҳқонлар манфаатини кўзда тутувчи ер ислоҳоти ўтказиш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда демократияни амалга ошириш юзасидан Компартия томонидан белгиланган тадбирлар Лесото халқининг туб манфаатларига жавоб беради.

Лесото ўз мустақиллигининг олтинчи йилига ғоятда машаққатли ва мураккаб даврда кириб бормоқда. Бироқ бесуто халқи келажакка ишонч ва умид билан қарамоқда. У чинакам мустақилликни қўлга киритиш йўлида қурашни давом эттираверади.

Ю. ШЕВЦОВ, (АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ТЎПЛАМЛАРИГА ОБУНА БЎЛИНГ!

«Механизация хлопководства»

(рус тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади.
Обуна баҳоси, бир йилга 3 сўм 60 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий-тадқиқот, конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарнинг пахтани комплекс механизациялаш учун янги техника яратиш соҳасидаги ишлари, техникадан фойдаланиш ва уни ремонт қилиш, пахтакор хўжаликларда экономика ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари, илғор механизаторларнинг иш тажрибалари ёритилади.

«Хлопковая промышленность»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади.
Обуна баҳоси йилига 1 сўм 20 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда соҳа илмий-тадқиқот ташкилотларининг, конструкторлик бюролари ва заводларнинг янги техника ва илғор технология яратиш борасидаги ишлари, пахта ва луб саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш натижалари, шунингдек, ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибалари ёритилади.

«Шёлк»

(рус тилида)

Бир йилда 4 марта чиқади.
Обуна баҳоси йилига 1 сўм 20 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўпламда илмий-тадқиқот ташкилотларининг тутчилик, ипак қурти биологияси, селекцияси ва қурт боқиш соҳасидаги ҳамда пилла тайёрлаш ва уни дастлабки ишлаш, пиллани қалавалаш борасидаги ишлар, новаторларнинг иш тажрибалари ёритилади.

«Янги техника»

(ўзбек тилида)

Бир йилда 12 марта чиқади.
Обуна баҳоси йилига 3 сўм 60 тийин.
Айрим сонининг нархи 30 тийин.

Тўплам илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотларининг иш натижаларини, чет эл ва Ватанимиз фани ва техникасининг саноат транспорт алоқа, қурилишнинг ҳамма соҳаларида ва пахтачиликни механизациялашда эришган ютуқларини ҳамда ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ёритади.

Илмий-техника тўпламлари инженер-техник ходимларга, саноат, транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг новаторларига, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик бюролари, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқитувчи ва студентларига ҳамда партия ва совет активига мўлжалланган.

Илмий-техника ахбороти тўпламлари чакана савдода сотилмайди.

Обуна «Союзпечать»нинг ҳамма бўлимларида қабул қилинади.

Газета ва журналларнинг 1972 йилги республика каталогида илмий-техника ахборотининг айтиб ўтилган тўпламлари қуйидаги индекслар билан берилган:

«Механизация хлопководства» — 75214, «Хлопковая промышленность» — 75215,
«Шёлк» — 75216,
«Янги техника» — 75217.

Обуна расмийлаштирилаётганда юқоридаги индекслардан тегишлиси кўрсатилсин.

Обунани қуйидаги адрес бўйича ҳам расмийлаштириш мумкин: Тошкент 47, Гогоэь кўчаси, 56 уй, «Союзпечать»нинг шаҳар бўлими. Давлат банкининг Тошкент шаҳар бошқармасидаги ҳисоб счёти № 144306.

Узбекистон ССР Илмий-техника ахбороти ва пропаганда институти.

(Тошкент, ГСП, Олмазор кўчаси, 171-уй).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/X да **Марварид изловчилар**, 9/X да **Трубадур**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/X да **Аяжонларим**, 9/X да **Шоҳ Эдип**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/X да **Ёшлинда берган кўнгил**, 9/X да **Хотинимнинг эри**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/X да **Дийдор**, 9/X да **Учинчи орзу** (спектакллар кундуз соат 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

Ун икки стул (2 серия) — «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5, кеч 6 ва 8 да).

Бугдойзорлар орасида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ярим, 5, кеч 8.45 ва 10.30 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва 4 яримда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Атаманнинг тугатилиши (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

0416 номерли қочоқ — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, кундуз 11.40, кеч 7.20 минут ва 9 да), «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Катта сайр — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 яримда).

Қалъа жавоб берди (кундуз ва кечқурун), **Асовга тушов** (кундуз соат 12, кеч 6 да): — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ».

Кутилмаган танишув — «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 3, 4, кеч 9 да).

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги коллегияси, партия ташкилоти ҳамда маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзлари республика комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри

Сирож Зиёмович ЗИЁМОВнинг

вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги «Узводоканал», «Узремстройтрест» ва «Узкоммуналтеплоэнерго» трестларининг раҳбарлиги, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР коммунал хўжалиги министри

Сирож Зиёмович ЗИЁМОВнинг

вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ҳамда марҳумнинг оиласига ва яқин кишиларига таъзия билдирадилар.

«Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарининг редакциялари ҳамда Ўзбекистон Журналистлар союзи Ўзбекистон Телеграф Агентлигининг бўлим мудири, СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ася Вартановна АКОВБЯНнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми, химия-технология фанлари бўлими, Химия ва Ўсимликлар моддаси химияси институтлари академик М. Н. Набиева синглиси

Мақсудахон ТУРАХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142 Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 233. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 14553.